O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

XDP — O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 18-MART ■ PAYSHANBA ■ 31-32 (27.207) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ *1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.*

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ







Қарши политехника касб-ҳунар коллежида 900 нафар талаба уй-жой коммунал хўжалиги йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда. Коллеж Жанубий Корея ҳамкорлик дастури асосида жиҳозланган бўлиб, Интернет тизимига уланган иккита замонавий компьютер синфи, лингафон хонаси, ўндан ошиқ турли замонавий фан кабинетлари, барча қулайликларга эга бўлган 150 ўринли ётоқхона, спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган қишки ва ёзги спорт заллари, катта теннис корти, футбол ва кичик спорт майдончалари талабалар ихтиёрида.

— Коллежимизда маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Юксак дид билан жиҳозланган маънавият ва маърифат хонамиз, 30000 китоб жавонига эга бўлган кутубхонамиз мавжуд — дейди, маънавий-маърифий ишлар бўйича коллеж директори ўринбосари Шмигул Хўшмуродова. — Талабаларимизнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларининг янада юксалишида вақтли матбуот нашрларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис 2004 йил учун 3 млн. сўмга турли номдаги газета ва журналларга, шу жумладан «Ўзбекистон овози»га ҳам 10 дона тўлиқ бир йиллик обуна бўлган эдик. Янги йилдаги сонларини ҳам мунтазам олиб турибмиз. Газетада чоп этилаётган мақолаларни вақти-вақти билан талабалар орасида муҳокама қилиб борамиз.

✧ ✧ ✧

**Суратларда:** лингафон хонасида инглиз тили ўқитувчиси Дилфуза Мажидова талабаларга сабоқ бермоқда.
Бош муҳандис Аваз Махтумов талабалар билан.

**Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Наврўз Шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқи учун энг қадимий ва азалий байрамлардан биридир. Баҳор фасли ва табиат уйғонишининг тимсоли, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш бу айёмни орзиқиб кутиш, баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонлаш эл-юртимиз учун олижаноб анъанага айланиб қолган.**

**Маълумки, Наврўз байрами юртимизда март ойининг учинчи ўн кунлиги бошланишига тўғри келади. Ва шунга асосланиб, мамлакатимизда 21 март куни Наврўз байрами, деб эълон қилинган.**

**Анъанага кўра, Наврўзга бағишлаб пойтахтимиз Тошкентда, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида байрам маросимлари, халқ сайиллари ва томошалар ўтказилади.**

**Узоқ ва давомли тарихимиздан маълумки, Наврўз бир кун эмас, бир ой мобайнида байрам қилинади ва жойларда одамлар табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, бу айём қувончини кўпчилик билан баҳам кўради.**

**Халқимизнинг мана шундай байрамларни ҳар қайси воҳа ва водийнинг маҳаллий иқлим ва табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ўтказиши ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга муносибдир.**

**Республика Гидрометеорология Бош бошқармасининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда умуман иқлим ўзгариши муносабати билан айнан шу мавсумда об-ҳавонинг бузилиб, ёғингарчилик кўп бўлиши кузатилмоқда ва жорий йил ҳам бундан истисно эмас.**

**Бундай вазият оммавий байрам тадбирларини очиқ майдонларда, истироҳат боғларида халқимизнинг кенг иштирокида ўтказиш учун муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.**

**Наврўз умумхалқ байрамини миллий қадрият ва урф-одатларимиз руҳида кенг нишонлаш, уни ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш, одамларнинг кўнгилли дам олишини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Пойтахтимиз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳрида, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларни об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, март ойининг охиригача ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

2. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасига байрам муносабати билан марказда ва жойларда белгиланган барча ташкилий-амалий ишларни кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, юксак даражада ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёевга юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 17 март

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 16 мартдаги ПФ-3407-сон Фармонига мувофиқ ҳамда кинематография соҳасидаги республика ва ҳудудий органлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда намойиш этиш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати тузилмаси ва ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмалари;

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг Низоми тасдиқлансин.

2. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 41 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 22 нафар этиб белгилансин.

«Ўзбеккино» Миллий агентлигига Агентлик бош директорининг икки нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосар ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган етти кишидан иборат Ҳайъат бўлишига рухсат берилсин.

Агентлик бош директорига марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳуқуқий вориси ҳисоблансин.

«Ўзбеккино» Миллий агентлигига соҳа акциядорлик жамиятларидаги давлат акциялари пакетларини (улар белгиланган тартибда профессионал бошқарувчи компанияларга топширилгунга қадар) бошқариш ваколати берилсин.

4. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги:

мамлакатимизда яратилаётган бадиий ва ҳужжатли кино — видеофильмларнинг маънавий ва бадиий савиясини ошириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар ва талабларни акс эттириш мақсадида профессионал етук, талабчан мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш тузсин, унинг Низомини бир ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқласин;

ҳудудий бўлимлар тўғрисидаги намунавий Низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзбеккино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва мулкий масалаларни бир ой муддатда ҳал қилсин.

5. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги учун 2005 йилдан бошлаб қуйидаги йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг истиқболли кўрсаткичлари белгилансин:

15 та тўла метражли бадиий кинофильм яратиш;

40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 та мультипликацион кинофильм ва 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар ишлаб чиқариш;

ҳар бир яратилган бадиий кинофильмдан дубль-негатив тайёрлаш ва вилоятларда кенг намойиш этиш учун 15 нусхадан, жаҳон бозорига чиқариш учун чет тиллардаги субтитрлар билан 2 нусхадан кўпайтириш.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги «Ўзтелерадио» компанияси билан ҳамкорликда 2005 йилдан бошлаб қўшимча равишда ўз даромадлари ва ҳомийлик маблағларини жалб этган ҳолда, замондошларимиз ҳаёти, ижтимоий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи бадиий кино ва видеофильмлар, телесериаллар ишлаб чиқариш ва намойиш қилишни йўлга қўйсин.

6. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

2004 ва 2005 йилларда кино ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг замонавий кинотехнологик жиҳозларга бўлган эҳтиёжларини бир ой муддатда асосланган ҳисоб-китобини қилиб, зарур маблағларнинг миқдори ва молиялаштириш манбалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

«Ўзбеккино» Миллий агентлигига фильмлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида сценарий муаллифларига қалам ҳақи ва ижодий гуруҳнинг бошқа аъзоларига мукофот миқдорини Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгилашга рухсат берилсин.

7. Республикадаги кинотеатрларнинг фаолияти ва мавжуд ҳолатини атрофлича ўрганиш мақсадида Махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳудудий бўлимлари мутахассисларидан иборат ҳудудий ишчи гуруҳлар тузсин. Ҳудудий ишчи гуруҳлар икки ой муддатда:

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, жойлардаги барча кинотеатрлардан мақсадли фойдаланилиши, уларнинг моддий-техника базасининг ҳолати ва асосий фаолият тури бўйича иш юритилишини инвентаризация қилсин;

мавжуд кинотеатрлардан самарали фойдаланиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш негизида кинопрокат тизимини кенгайтириш ҳақидаги таклифларни Махсус комиссияга тақдим этсин.

Махсус комиссия бир ой муддатда кинотеатрлар тизимини ривожлантиришнинг аниқ йўналтирилган дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг марказий аппарати харажатларини республика бюджети, ҳудудий бўлимларни маблағ билан таъминлашни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширсин;

2004 ва 2005 йилларда давлат бюджетидан кинематография соҳасини замонавий кинотехнологик жиҳозлар билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар ажратсин;

2005 йилдан бошлаб йиллик режалаштирилган кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун республика бюджетидан белгиланган маблағларни ажратишни кўзда тутсин;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппарати учун учта енгил автомобиль харажатларига лимит ажратсин.

9. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппарати Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 98-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорига ўзгартиришлар киритилсин.

11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 17 март

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

16 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали суҳбатлашди.

Ўзбекистон раҳбари ўз суҳбатдошини Россия давлатига қайтадан Президент этиб сайлангани муносабати билан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Россия халқига тинчлик ва равнақ тилади.

«Россия халқи ўзининг тўрт йил аввалги хоҳиш-иродасини мана шундай ишончли ва қатъий тарзда тасдиқлашига Ўзбекистон аҳли шубҳа қилмаган эди», — деди Президентимиз. Икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида, стратегик ҳамкорлик руҳида ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Президентининг Россияга апрель ойи ўрталарига мўлжалланган амалий ташрифига ва бўлажак олий даражадаги учрашувга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати**

ХДП хабари

## САМИМИЙ УЧРАШУВ

2004 йилнинг 16 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчилари Сунь Лицзе ва Цуй Гоцзе ташриф буюрдилар. Марказий Кенгаш биринчи котиби Аслиддин Рустамов меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, Ўзбекистон ХДПнинг уларда иштироки ва ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида гапирди ҳамда уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Меҳмонлар ўз навбатида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги фойдали ҳамкорлик масалалари ҳақида ижобий фикр билдирдилар.

Қабулда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби С.Усмонов иштирок этди.

**Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати**

Тадбир

## ҲАМКОРЛИК

Журналист — жамият шифокори, деган ақида бор. Ислоҳотлар ҳал қилувчи паллага кирган бир пайтда мамлакатимизда ҳам давр журналистлардан янада жасоратлироқ бўлишни талаб этмоқда. Бу фикрлар кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ўтказилган илмий-амалий анжуманда бир неча бор таъкидланди.

Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан уюштирилган конференция суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишда суд ҳокимияти ва «тўртинчи ҳокимият» ҳамкорлиги ва бу жараёндаги уларнинг ўрни, вазифаси масалаларига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар бу борадаги ҳамкорлик истиқболларига, ечилиши лозим масалаларга эътибор қаратишди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасида ихтисослашиши муаммолари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Йиғилишда Олий Мажлис, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари, журналистлар ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар. Мажлисни Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев олиб борди.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ**

Об-ҳаво



## ҲАР ЙИЛНИНГ ЎЗ ҲАВОСИ БОР

Яшариш ва янгиланиш палласи — Наврўз айёмининг ташрифига атиги икки-уч кун қолди. Барчамиз бу гўзал, қиёси йўқ Янги кунни орзиқиб, энтикиб кутаяпмиз. Юртимиз кўчалари, хиёбону майдонлари байрам шодиёналарига тўлади, дошқозонларда эса сумалаклар қайнайди...

Хўш, Наврўзи олам кириб келганда юртимизда об-ҳаво қандай бўлади? Шу кунга мўлжаллаган тадбирларимизни ёғин-сочинсиз, эмин-эркин ўтказа оламизми? Бинобарин, ҳозир кўпчиликнинг хаёлида шундай саволлар чарх ураяпти. Биз уларни жамлаб «Бошгидромет»га йўлладик.

— Афсуски, Наврўз байрамининг дастлабки кунлари об-ҳаво очиқ келмайдиганга ўхшайди, — деди бизга бош синоптик Ирина Зайцева. — 21 март куни об-ҳавонинг беқарор бўлиши, бутун республикамиз бўйлаб вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Шу куни пойтахтимиз Тошкентда ҳам ёғингарчилик бўлади. Ҳарорат кечаси 2-7 даража, кундузи 7-12 даражани ташкил этади.

— Энди бу йилги об-ҳавони қўя турайлик. Айтинг-чи, Наврўз байрамининг илк кунлари қайси йилларда энг илиқ ёки энг совуқ кунларга тўғри келган?

— Кейинги ўн йиллик об-ҳаво кузатувларига қараганда, 2002-2003 йилларда Наврўз байрамининг дастлабки куни энг илиқ паллага тўғри келган. Шу куни симоб устуни 25 даражагача кўтарилган. Кечаси эса 11-12 даражадан пастга тушмаган. Энг салқин кун 1996 йилда қайд этилган. Ўша йили 21 мартда ҳаво ҳарорати Тошкентимизда 9 даражадан ошмаган. Эрталаб ва кечаси минус 4 даражагача совуб кетган. Хуллас, ҳар йилги Наврўзнинг ўз об-ҳавоси бор.

**Бобо САРОЙИЙ ёзиб олди**

БАЛИҚЧИЛИК:

## МАШАВ АГЕНТЛИГИ ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Балиқчилик ва аквакультура» мавзусида халқаро семинар- тренинг бўлиб ўтди.

Унда Исроилнинг МАШАВ агентлиги иштирокида балиқчилик ва аквакультуранинг (денгиз хўжалиги) дунё миқёсида тутган ўрни, тармоқ ривожи ҳамда истиқболлари ҳақида гап борди.

Балиқчиликнинг озуқа базасини ривожлантириш, наслчилик, уруғчилик (урчитиш) ишларида замонавий унумдор технологиялардан кенг фойдаланиш, балиқларнинг зот сифатларини яхшилаш ва уларни ҳудудий иқлимларга мослаштириш йўл-йўриқлари борасида маърузалар ўқилди.

Айниқса, денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш, балиқларда учровчи юқумли касалликларга қарши курашиш ва ривожланган мамлакатларда бу соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар тўғрисида МАШАВ агентлиги вакили Исаак Бежеранонинг маърузаси йиғилиш иштирокчилари учун ўзига хос тажриба алмашув бўлди.

Тадбирда республикамиз балиқчилик хўжаликлари раҳбарлари, тармоқни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази олимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**Зулхумор ЎРОЛОВА**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

**Долзарб мавзу**

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ АГРАР ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

## НЕГАКИ, УЛАР НАФАҚАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, БАЛКИ БУТУН ИҚТИСОДИЁТИМИЗ УЧУН КЕЛАЖАКДА АСОСИЙ ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ





**БИРИНЧИ МАҚОЛА**

Турли мулк шаклларига асосланган хўжалик юритиш усулларининг мавжудлиги ва улар орасидаги соғлом рақобат — бозор муносабатларининг негизи. Шу туфайли ҳам республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданоқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк усулларининг тенг ҳуқуқлигига таянувчи кўп укладли иқтисодиёт тизимини барпо этишга алоҳида эътибор берилди.

Жумладан, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида вужудга келаётган янги хўжалик юритиш шакллари орасида фермер хўжаликлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, улар хўжалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик, ташаббускорлик ва мулкий жавобгарлик тамойилларига таяниб, тармоқда мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилик ва соғлом рақобат асосида ривожланиб боришига асосланади.

Фермер хўжалигининг жамоа, ширкат ёки ҳиссадорлик каби йирик хўжаликлардан асосий фарқи ва устунлик томони — фермернинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита бирикувида, яъни мулк ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш бўйича юзага келган масалаларни мустақил ҳал этишидадир.

Бунинг учун амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шу йил 7 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқларида фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб: **«Бугун сизлар билан кўриб чиқишимиз лозим бўлган яна бир муҳим масала — бу фермерлик ҳаракатини ривожлантириш масаласидир. Нафақат қишлоқ хўжалиги, керак бўлса, бутун иқтисодиётимизнинг келажаги мана шу вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди»,** — деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Республикада фермер хўжаликларини мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида шакллантириш жараёни 1991 йилнинг охирларидан бошланди. Дастлабки ташкил этилган фермер хўжаликлари, асосан, республика ҳукумати томонидан ажратилган давлат ер фонди базасида, заҳирадаги ерларда, меҳнат ресурслари етишмайдиган, янги суғориладиган, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кам унумли, фойда бермайдиган ёки кам рентабелли ерларида шакллантирилган эди.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиб келган хўжалик жамоа (ширкат) хўжаликларида бошқарувнинг эски иерархик усули сақлаб қолинганлиги, мулк эгалиги ҳиссининг деҳқонлардан бегоналашганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишда инсон омилининг тадбиркорлик ва ташаббускорлик хислатларига эътибор берилмагани, шунингдек, қишлоқ хўжалигига хос хусусиятлар туфайли вужудга келган бошқа бир қатор омиллар таъсирида ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин пасайиб кетгани маълум.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларига кўра, 1999-2003 йиллар оралиғида жами 336 та зарар билан ишлаётган ва паст рентабелли хўжаликлар тугатилиб, улар ўрнида 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги **«2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 476-сонли қарори зарар келтириб ишлаётган истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш борасида навбатдаги муҳим босқични бошлаб берди. Қарорда 2004-2006 йиллар мобайнида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз 1020 та ширкат хўжаликлари тугатилиб, босқичма-босқич фермер хўжаликларига айлантириш кўзда тутилди.

Статистик маълумотларга қараганда, республикамиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари сони, уларга ажратилаётган ер майдони, чорва моллари бош сони ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Хусусан, 1993 йилдан 2003 йилнинг охиригача бўлган даврни олиб қарасак, республикамизда қисқа муддатда фермерлик тармоғи нақадар муҳим натижаларни қўлга киритганлигини кўриш мумкин. Агар 1993 йилда республикамизда жами 7538 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, уларга 70,6 минг гектар ер майдони бириктирилган ва 29,76 минг киши меҳнат қилган бўлса, 2003 йил охирида уларнинг сони 87552 нафарга, бириктирилган ер майдони 2148 минг гектарга ва банд кишилар сони эса 603 минг нафарга етди.

Шу йиллар оралиғида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги салмоғи ҳам муттасил ошиб борди. Хусусан, 1993 йилда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 41,132 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 4035,8 млрд. сўмга етди. Бугунги кунда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 14,1 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Маҳсулот турлари бўйича қарайдиган бўлсак, 10 йил ичида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи дон экинлари бўйича 0,97 фоиздан 36,0 фоизга, пахта — 0,02 фоиздан 37,8 фоизга, сабзавот — 0,36 фоиздан 10,6 фоизга, полиз — 1,2 фоиздан 30,3 фоизга ошди.

Президентимиз ўз нутқларида таъкидлаганларидек, 2003 йил якунлари бўйича фермер хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилиш бу хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ширкат хўжаликларига нисбатан анча юқори даражада эканлигини кўрсатмоқда. **Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси**нинг маълумотларига қараганда, тугатилган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларида ширкат давридагига нисбатан экинлар ҳосилдорлиги пахтачиликда 5 центнерга, ғаллачиликда 13 центнерга юқори бўлган. Худди шунингдек, моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш оқибатида ҳар гектар экин майдонига ёнилғи-мойлаш материаллари сарфини пахтачиликда 19 кг, ғаллачиликда 33 кг кам сарфлаганлар. Умуман олганда, ширкатлар билан қиёсланганда фермер хўжаликлари моддий ресурсларни гектарига ўртача икки маротаба кам сарфламоқдалар.

Юқорида келтирилган бу маълумотлар республикамизнинг аграр соҳасида фермер хўжаликлари энг самарали хўжалик юритиш шаклларидан бири сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаётганлигини кўрсатади ва Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **келгусида улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган асосий хўжалик субъектига айланиши лозим.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли **«2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»**ги Фармонида истиқболда фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Концепцияда 2007 йил бошига келиб:

- фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 17,5 фоизидан 63,3 фоизига, суғориладиган ерларнинг 72,1 фоизига етиши;
- келгуси уч йил ичида фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми уч баравар ошиб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 25 фоизига тенг бўлиши;
- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари сони 8200 дан ошиб кетиши режалаштирилган.

Концепцияда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишлари ҳам белгилаб берилган:

◆ фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ҳамда фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона, самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

◆ фермер хўжаликларининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларига риоя этилишини назорат этиш;

◆ фермерларнинг тадбиркорлик эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза этиш, қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ва ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

◆ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шаклларини такомиллаштириш, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш;

◆ тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг фермерликни ривожлантиришга йўналтираётган кредит ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

◆ кредит таваккалчилигини суғурталовчи институционал тузилмаларни кенг ривожлантириш;

◆ бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

◆ қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш;

◆ фермерларнинг барқарор даромад олишлари учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносиблик, яъни «баҳолар паритети»ни сақлаб бориш;

◆ илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

◆ маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Президентимиз фермер хўжаликларининг самарали фаолият кўрсатишига тўсиқ бўлаётган асосий муаммолардан бири сифатида фермер хўжаликларининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларига риоя этилишининг қониқарсиз аҳволда эканлигига, тайёрлов ташкилотларининг етказиб берилган маҳсулот учун фермерлар билан ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятларини қўпол равишда бузаётганига ҳамда фермерларнинг тадбиркорлик эркинлиги ва ҳуқуқларининг мансабдор шахслар томонидан тез-тез бузилиши ҳолатларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик юритиш шакллари билан тенг шароитларда ва соғлом рақобат асосида фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилган.

Аммо ҳақиқатда ҳар доим ҳам фермерларнинг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилавермайди. Масалан, 2003 йилда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва унинг туман вакилликларига фермерлар томонидан уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида 2900 та ариза ва шикоятлар киритилган. Уюшма ва унинг вакилликлари аралашуви билан фермер хўжаликларига тайёрлов ташкилотлари томонидан етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида тўланмаган 239 млн. сўмлик маблағлар ундирилган.

Кузатишларнинг кўрсатишича, бундай ҳолатларнинг вужудга келишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

— фермерларга моддий-техник ресурслар етказиб берувчи, маҳсулотларни сотишга кўмаклашувчи ҳамда турли иш ва хизматлар кўрсатувчи инфратузилмаларнинг монопол мавқега эгалиги шартномаларнинг кўп ҳолларда бир томон манфаатини кўзлаб тузилишига олиб келмоқда;

— кўпчилик фермерлар қонун билан белгилаб берилган ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдилар, уларда иқтисодий ва ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги натижасида шартномалар тузиш қоидаларига эътибор берилмайди;

— фермер хўжаликларига ҳуқуқий ва иқтисодий маслаҳат хизматини кўрсатувчи консалтинг тизимининг суст ривожланганлиги уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилишга имкон бермайди.

**Республикамизда фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Фермерчилик ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар ичида инфратузилма хизматини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.**

Республикада фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи жами 257 та муқобил МТПлар, 138 та ёқилғи қуйиш шахобчалари, 136 та минерал ўғитлар билан савдо қилувчи дўконлар, 118 та мини банклар, 268 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолият кўрсатиб турибди.

Фермер хўжаликларига қулай имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги **«2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 476-сонли қарори билан 2004-2006 йиллар мобайнида яна қўшимча 954 муқобил МТПлар, 925 сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, 889 ёнилғи-мойлаш материаллари шахобчалари, 848 минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиш шахобчалари, 701 мини-банклар, 249 қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш шахобчалари, 216 зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизматлари шахобчалари ва 160 ахборот-маслаҳат консалтинг шахобчалари ташкил этиш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига мувофиқ эса фермер хўжаликларига айлантирилаётган хўжаликлар ҳудудида барпо этилаётган бозор инфратузилмаси объектларининг ишлаб чиқариш, молиявий ва моддий-техника базасини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича бўлинмалар мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан икки йил муддатга, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари хизматлари қўшилган қиймат солиғи, фойда ва мулк солиғи ҳисобланиши ва тўланишидан икки йил муддатга озод қилинди.

Фермер хўжаликлари сифатида қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ташкил этилаётган муқобил машина-трактор парклари солиқ солиш шартлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизматлар (ер ҳайдаш, экиш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблар бўйича «Ўзагромашсервис» уюшмаси вилоят бирлашмаларининг машина-трактор паркларига тенглаштирилди.

Фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизмати кўрсатувчи корхоналарга ҳам бир қатор имтиёзлар берилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 ноябрдаги 424-сонли **«Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори билан «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси корхоналари томонидан замонавий қишлоқ хўжалик техникасини фермерларга ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига камида 7 йиллик муддат билан лизингга бериш ва лизинг компанияси даромади (маржаси) нинг имтиёзли ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Бунда тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси қийматининг 15 фоизи аванс сифатида фермер хўжаликлари томонидан ўз маблағлари ҳисобига ва қолган 85 фоизи «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги **«Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси»** қарз асосида бериладиган маблағлар ҳисобига маблағ билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги **«Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони билан 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан, лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Шу билан бирга, лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилинди ва лизинг берувчини солиққа тортишда у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланадиган бўлди.

Бунинг ижобий томони шундаки, эндиликда фермерлар бир томондан замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини анча енгил шартларда ва арзон тўловлар эвазига лизингга олиш имкониятига эга бўлсалар, иккинчи томондан, лизинг берадиган корхоналар ҳам лизинг хизмати сифати ва самарадорлигини муайян даражада оширишга муваффақ бўладилар.

Гарчи фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмасини яратиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилган ва келгусида уни ривожлантириш соҳасида муҳим тадбирлар белгиланган бўлса-да, ҳалигача бу тармоқни шакллантириш кўламини етарли деб бўлмайди.

Кўпчилик фермерларнинг агротехника ишларини ўз муддатида амалга ошириш учун ўз хусусий техника воситалари йўқ. Бу ҳолат фермерларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ишини янада жонлантириш — бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

*(Давоми бор)*

**Райимжон АЛИМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, профессор,**
**Муҳиддин ЮСУПОВ,**
**университетнинг «Агроиқтисодиёт» кафедраси тадқиқотчиси**

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида россиялик олим Елена Дьяконова билан мулоқот бўлиб ўтди. У Москва Давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институтида япон маданияти бўйича дарслар олиб боради.

## УЮШМАДА УЧРАШУВ

Елена Михайловна япон адабиёти, санъати бўйича кўзга кўринган мутахассис. У бир неча марта Япония университетларида бўлиб, илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Япония элчихонаси ташаббуси билан мамлакатимизга ташриф буюрган олим бир неча кун мобайнида пойтахт олий ўқув юртларида маърузалар ўқиди.

Ушбу учрашувдан мақсад халқлар, адабиётлар ўртасидаги узвий алоқаларни янада ривожлантиришдир.

Мулоқотда шоир ва ёзувчилар, журналистлар иштирок этди. Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо олиб борди.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

**Акс-садо**

# МЕҲР ҚУЁШ БЎЛСА,

## АГАР ИНСОНИЙ МЕҲР ҚУЁШИ ЎЗ НУРИ БИЛАН ҚАЛБЛАРНИ ЁРИТМАСА, ТАНЛАРГА ҲАРОРАТ БАХШ ЭТМАСА, ОНГУ ИДРОКНИНГ ЧАРАҚЛАШИГА ЙЎЛ ОЧМАСА, ХУДО КЎРСАТМАСИН ДУНЁ ЗИМИСТОНГА, ҲАЁТ ЗИНДОНГА АЙЛАНГАН БЎЛАРДИ

Инсонни табиатдан айри тасаввур этиб бўлмаганидай, унинг рангин туйғуларини табиатнинг турфа ва мунаққаш жилоларига қиёсламай ҳам бўлмайди. Азиз Ўзбекистонимизда баҳор нафаси уфура бошлаган шу кунларда саховатли она замин қиш кўрпасини йиғиб, ўз мурувватини элга бағишлашга — бағрида ризқ-рўз уруғини ардоқлаб, экинтикин шаклида дунёга келтиришга интилмоқда.

Боғ-роғлару токзорларда, бутоқлардан бўртиб турган куртаклар ҳам, чаманларда таровату хушбўй таратиш илинжида куртак тугишга шайланаётган гулларда ҳам шу иштиёқ акс этиб турибди.

Ҳар баҳорнинг бундай манзараси, ҳар бир экиннинг она тупроқ бағридан ёруғ дунёга чиқиб келиши ҳаётдан ўз ўрнини олиш учун оламга келган чақалоқни эслатмайдими?! Ҳар қалай менга шундай туюлади. Ана шу чақалоқмонанд кўкатлару куртакларнинг ривожи учун сахий ва заҳматкаш қуёшнинг ҳарорати ва нури қанчалик зарур бўлса, ниҳолдай нозик гўдакнинг камоли учун меҳр шунчалар даркор.

Дунё яралибдики, башариятни меҳр ардоқлаб келади. Қаттол жангларда ҳам, хуфиёна курашларда, мусибатли кунларда ҳам, очлик ва қашшоқликда ҳам одамларнинг бир-бирига бўлган меҳри, ўзидан ўзгага меҳр қўя билмаган тошбағирлар кирдикоридан қутқаради. Ана шундай ҳолатларда қалби сўқирлар билан бағри дарёлар қавмлари фарқланади.

Менимча, ҳар бир одам бирор воқеа-ҳодиса хусусида қалам тебратганда ўзи билган ва гувоҳ бўлган ҳолатларни, ўз ҳаёти ва тақдирида ўчмас из қолдирган нарсаларни ёзгани маъқул. Шундан келиб чиқиб, меҳр ва меҳрибонлик ҳақида фалсафа сўқишдан кўра, билганларимни қоғозга туширишга жазм этдим. Пайғамбар ёшига яқинлашиб қолган пайтимда ўз авлодим қатори ҳаётнинг кўп аччиқ-чучукларини кўрдим. Бардошли халқимизнинг уруш ва урушдан кейинги оғир йилларда бир-бирига қанчалик мустаҳкам суянч бўлганига шоҳидман.

Наманганнинг Сардоба даҳасида саккизтагина ҳовлиси бор жинкўчамиз бўларди. Назаримда, бу саккиз ҳовлида яшайдиган ўндан ортиқ оила гўё бир аҳил хонадон эди. Ўша қирқинчи йилларнинг иккинчи ярмида ҳали нон карточкаси бекор қилинмаган, бир ҳафтада икки марта қозон қайнатиш маҳол бўлган пайтларда ҳар бир қўшни бир-биридан хабардор эди. Қозони қайнадими, нон олиб келолдими воқиф бўлиб турарди. Ўз қозонидан бир косагина оби ёвғонни (аталами, ун ошими, жўхори гўжами, буғдой ошими) чиқарарди. Дастурхонидан яримта нонми, бир ҳовуч ўрикми, жийдами орттириб берарди. Ҳамма бир-бирига ҳамдард, меҳрибон эди.

Бугун ўша кунларни хаёлимдан ўтказиб бундай аҳилликка доя бўлган туйғу — ИНСОНИЙ МЕҲР эканини туяман.

Бир-икки йилдан кейин Сардобадан Сим кўчасидаги Кўнчи маҳаллага кўчиб ўтдик. Бу кўчамизда ҳам ўнлаб эркаклар урушда қурбон бўлганлари етмаганидай ота касбини қилган кўнчи йигитлардан бир талайи тақиқланган касб билан шуғулланган сифатида қамалиб кетган экан. Маҳаллада табаррук кампирлар кўп эди. Қирғиз буви, Ханифа буви, Тўхта буви, Тожиниса буви, ниҳоят Тошхон бувим... Бу онахонларнинг деярли ҳаммаси урушда бир ёки икки ўғлидан айрилган. Аммо ноумид шайтон, дегандек тиқ этса эшикка қараб, келиб қолишидан умидвор эдилар. Буларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, кундузлари жамланиб, чарх йигириб суҳбатлашиб ўтиришлари, далда билан овунишлари-ю бир-бирларини овунтиришлари ҳали кўз олдимдан кетмайди. Энг ғаройиб томони шу эдики, бу кампирлар ниҳоятда юпун ҳолатга келган бўлиб, бирор йиғин ё маъракага кийиб борадиган чопонлари ҳам йўқ эди. Ён-верга биттагина либос — Тожиниса бувининг кийилавериб туклари тўкилиб кетган қора бахмал чопони эди. Қайси кампир бирор маросимга борадиган бўлса, ўша чопонни кийиб борарди.

Тожиниса буви ҳам ҳеч қизғанмай, бу навбатчи чопонни битта чит рўмолга тугиб, олиш осон жойга қўйиб қўярдилар.

Оғир кунлардаги бундай оқибат замирида ётган нарса меҳр эмасми ахир?! Уларнинг юраклари тубида чўкиб ётган жудолик, айрилиқ дардини унутдирган, яхши кунлар келишига умид бағишлаган, ҳатто, чалақурсоқлигу юпунликни эсдан чиқариб, аламларни енгиллатган туйғу меҳр эмасмиди?!

✧✧✧

Болалик хотираларим билан боғлиқ бу мақолани қоралаб юрганимда «Ўзбекистон овози»да устод Озод ака Шарафиддиновнинг «Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож» сарлавҳали мақоласи босила бошлаганини кўриб қолдим. Етмиш беш ёшли пир қамрови кенг, муаммоларни ҳам дадил кўтарган бу асар билан яна бир жасорат кўрсатдилар. Бу мақола Озод аканинг меҳр ва мурувват ҳақидаги фикрлари бўлибгина қолмай, умр принциплари, бағрикенгликлари ифодасидай туюлди менга.

... 1961 йилнинг кузида ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг кечки журналистика бўлимига кириб ўқий бошладим. Бу пайтда филология факультети қошидаги ёш ижодкорлар тўгарагини Озод ака бошқарардилар. Абдулла Орипов, Шукур Холмирза, Омон Мухтор, Сафар Барноев, Рауф Парфи каби ёшлар бу тўгаракда илк асарларини ўқишиб, муҳокама қилишарди. Шулар davраси мени ҳам ўзига тортар, кўп ҳолларда дарсдан қолиб бўлса-да, Озод аканинг машғулотларига келардим. Бир куни берган қўлёзмам билан танишиб чиқиб, чорлаб қолдилар. 5-6 та машқимни ажратиб қўйган эканлар.

— Мана бу шеърларингиз дурустга ўхшайди, бошқалар ҳам ўқисин-чи, қани юринг, — деб «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятига олиб бордилар ва шеърият бўлимини бошқараётган шоир Жуманиёз Жабборов билан таништириб қўлёзмаларимни босишга тавсия этдилар. Шундай қилиб, Намангандан келган, қайси таҳририят эшигини чертишни билмай юрган чуст дўппилик ҳаваскор шоирнинг тўртта шеъри журналда босилиб чиқди. «Шарқ юлдузи»да сурати билан шеърлари чиққан одам анча вақт самода юрарди.

Иккинчи курсга ўтганимда эса бирор газета ё журналда ишлаш орзусида Тошкент экскаватор заводидаги электрпайвандчилик ишимдан бўшагандим. Тасодифан Озод ака кўриниб қолдилар.

— Ишлар қалай, шеърлар ёзилаяптими?

— Раҳмат, — дедим. — Ишдан бўшадим, бирор редакцияга кирмоқчиман.

# МУНОСАБАТ

## ЁКИ ГАЗЕТАМИЗДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БИР МАҚОЛАГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИДАН КЕЛГАН АНТИҚА ЖАВОБ ХУСУСИДА

### Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин, холису нохолис бўлсин, дўст айтсин ё душман айтсин, танқид барибир кўпчиликка, ҳатто туққанингга ҳам ёқмаслиги асрлар оша қайта-қайта исбот топиб келаётган аччиқ ҳақиқат. Лекин ҳар қанча таҳдиду тазйиқларга қарамай танқид барибир яшаб келаётгани ва яшайжаги ҳам ҳақиқат, гўзал ҳақиқат. Чунки, танқид нафақат одамни, балки жамиятни инқироздан, ҳалокатдан, оддийроқ айтганда, бало-қазодан асрайди.

Ўз вақтида камчилиги, айби юзига айтилмаган, танқиддан холи бўлиб, мақтовлар қуршовида қолган раҳбарнинг оёғи ердан узилади, у ман-манлик дардига мубтало бўлади, тобора юқорига кўз тикиб, одамлардан узоқлаша боради. Агар ўз вақтида камчилиги, хатоси юзига айтилганда, не-не раҳбарлар фалокатдан асраб қолинган бўлинарди.

Танқиднинг ҳаммага ҳам ёқавермаслиги сабаблари эса жуда кўп, энг асосийси — нопок одамлар ўз айблари фош бўлишидан қўрқиб ваҳимага тушади. Мухбирни ўзига душман ҳисоблайди, минг бир ҳунарни ишга солиб, хато-камчиликларни хўспўшлаб, бекитишга ҳаракат қилади.

Аммо, Солиқ қўмитасидан келган жавоб шуниси билан антиқаки, унда мақолада келтирилган далил ва фикрларга умуман муносабат билдирилмаган, тўғри ҳам, нотўғри ҳам дейилмаган. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мақолада кўтарилган масалалар бир четда қолиб, «бу мақолани ёзишга мухбирнинг нима ҳаққи бор?» деган иддао билдирилган. Бизни тегишли қонунлардан бехабар деб ўйлашган шекилли, «Судлар тўғрисида»ги ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунларнинг айрим моддаларидан «сабоқ» берилган.

Яхшиси, хатнинг ўзини тўла келтира қолайлик:

**«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-, 114-моддалари ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 4, 5-моддаларида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги, суд ҳужжатлари, шу жумладан, суд қарорлари ва ажримлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шартлиги қатъий белгиланган.**

**Юқоридагиларга асосан «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири А.Жонузоқов томонидан кучга кирган суд қарорларини ўзича таҳлил этиб, газета саҳифаларидан фойдаланиши одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашиш деб баҳоланиши мумкинлигини, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 2- ва 6-моддаларини бузилишига, шунингдек, солиқ хизмати ва суд органларининг нуфузини обрўсизлантиришига олиб келишини маълум қиламиз.**

**Раиснинг биринчи ўринбосари Э.Гадоев**
**Ижрочи: М.Абдуллаев»**

Ана сизга матбуотга муносабат, ана жавоб. Майли, Э.Гадоев ҳуқуқшунос эмасдир, ОАВ тўғрисидаги қонунлардан бехабардир. Аммо бу хатни тайёрлаган — ижрочи М.Абдуллаевчи? Суриштирсак, у қўмитанинг юристи экан. «Эҳтимол янглишгандир, эҳтимол масалага юзакироқ қараб хатога йўл қўйигандир», деган ўй билан унга қўнғироқ қилдик. Афсуски, у ўз фикрида қатъий туриб олди. «Ака, қонунда сиз айтгандек эмас, балки бунинг акси ёзилган, мана эшитинг» дея унга ўша ўзи айтган ОАВ тўғрисидаги қонуннинг 2- ва 6-моддаларини ўқиб бердик. **«Бунақа бўлиши мумкин эмас, деди у. — Суд ҳукмини муҳокама қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».**

Ё товба! Ўзи ҳуқуқшунос бўла туриб қонунни тан олгиси келмайди-я.

Ортиқча шубҳага ўрин қолдирмаслик, М.Абдуллаевга ўхшаб ўйлайдиганларга ойдек аниқ-равшан бўлиши учун хатда асос қилиб келтирилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-, 114-моддалари»га бир қарайлик. 112-моддада шундай дейилган: **«Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди...**

**Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади...»**

14-моддани тўлиқ келтирамиз: **«Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир».**

Хўш, бу сўзларнинг мақолага, журналист ҳуқуқига нима дахли бор? Мақолага келган жавоб мазмуни дўппини олиш ўрнига бошни олиб ташлаганга ўхшаш муносабат бўлмаяптими?

Бизнингча, Конституциянинг юқорида қайд этилган моддаларидаги талаблар маъно-мазмуни, мақсадини М.Абдуллаев юзакироқ тушунганга ўхшайди. Бош қомусимизда судьялар фақат қонунга суяниб фаолият кўрсатиши, судьяларга ҳеч ким буйруқ бериши, тазйиқ ўтказишига йўл қўйилмаслиги, суд ҳокимиятининг қонуний ҳукми, қарорлари бажарилиши ҳамма учун мажбурийлиги кафолатланаяпти. Буни инкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ албатта. Суд қарорини вақтида бажармаслик, бажаришдан бўйин товлашга уринишларга нисбатан ҳам жазо чоралари белгиланган. Лекин, қонуний кучга кирган суд ҳукми юзасидан журналист суриштирув ўтказиши ва тўплаган маълумотлари, ашёвий далилларига асосланиб ўз шахсий мулоҳазаларини билдириши суд ишига аралашиш дегани эмас. Журналист суриштируви асосида эълон қилинган мақолада билдирилган мулоҳазалар суд устидан ҳукмронлик ҳам, судга тазйиқ ҳам эмас. Мақолада ёки радиоэшиттириш, телекўрсатувда журналист билдирган мулоҳаза, фикр суд учун инобатга олиниши, бажарилиши шарт бўлган даъво ҳам эмас. Журналист суриштирувида аниқланган, ўртага ташланган бирор-бир факт, ашёвий далил ёки билдирилган фикрни суд асосли, деб топсагина жиноий ишни назорат тартибида қайта кўриб чиқиш чоғида инобатга олиши мумкин. Бу ҳолат жабрланувчига, судга адолат тўла тикланишига ёрдамдан бошқа нарса эмас.

Тергов ва суд жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликлар журналист суриштируви орқали тўпланган маълумотлар асосида юқори суд идоралари томонидан тузатилганлиги ҳақида дунё тажрибасидан ҳам, ўзимиздан ҳам кўплаб мисол келтириш мумкин.

«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 4- ва 5-моддаларига келсак, яъни одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирор-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ҳаммамизга маълум. Тергов ишлари ёки суд жараёни кетаётган пайтда журналист ўз шахсий мулоҳазасини эълон қилишга ҳаққи йўқлиги, жиноят иши ҳақида фақат холис ахборот бериш ҳуқуқига эгалиги қонунда белгиланган. Юқорида айтганимиздек, суд қарорлари кучга киргандан сўнггина журналист ўз шахсий мулоҳазаларини ОАВда билдириши мумкин.

Яна савол туғилади: ҳуқуқшунос М.Абдуллаев таҳририятга жавоб ёзишдан олдин ОАВ тўғрисидаги қонунларни ўқиб чиқмаганмикин?

Ўқиганига шубҳа йўқ, чунки, у айнан ўша қонунлар талабларини асос қилиб кўрсатиб, бизга жавоб ёзаяпти. Аммо, ўқишга ўқиганy мазмун-моҳиятини чуқурроқ уқмаган шекилли. Фикримизни асослаш учун яна жавоб хатига қайтамиз. Ундаги мана бу сўзларга эътибор берайлик: **«...Ўзбекистон овози» газетаси мухбири А.Жонузоқов томонидан кучга кирган суд қарорларини ўзича таҳлил этиб, газета саҳифаларидан фойдаланиши одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашиш деб баҳоланиши мумкинлигини... маълум қиламиз».**

Ана холос! Унинг фикрича, кучга кирган суд қарори устидан ўзича таҳлил юритишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Хўш, унда журналист суд қарори кучга кирмасдан олдинроқ муносабат билдириши керакми? Йўқ, бунга қонун йўл қўймайди. Унда М.Абдуллаев нима демоқчи? Суд фаолиятига ОАВ муносабат билдириши, журналистларнинг бу ҳақда ўзича мулоҳаза юритишга нима ҳаққи бор демоқчими? Агар у шундай деб ўйлаётган бўлса, икки карра ноҳақлигини исботлашга тайёрмиз.

Биринчидан, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида **«Ўзбекистон республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар».**

Хўш, бу гапларнинг биз эълон қилган мақолага нима дахли бор? Агар мақоладаги у ёки бу факт нотўғри кетган бўлса қонуннинг бу моддасини эслатиш мумкин эди. Аммо жавоб хатида мақоладаги бирор сўз, жумла ёки маълумотга эътироз билдирилмаганку. Мақолада кўтарилган масала бир четда қолиб, «журналист, матбуот бу ишларга аралашишга ҳаққи йўқ!» деган қатъий даъво билдирилмоқда ва ОАВ тўғрисидаги қонуннинг 6-моддаси асос қилиб келтирилмоқда. Ваҳоланки, айнан ушбу моддада бундай сўзлар бор: **«...муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш... тақиқланади».**

Газетамиз мухбири мақоласи суд қарори аллақачон кучга кириб бўлганидан сўнг ёзилган эди. Демак, бу ўринда биз қонунга зид ҳаракат қилмаганмиз.

Ушбу қонуннинг «Журналистик текширув» деб номланган 9-моддасида шундай дейилган: **«Таҳририят ходими муайян воқеа ёки ҳолатга нисбатан шахсий фикрини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга, агар воқеа ёки ҳолат юзасидан тергов тугамаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг журналистик тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир».**

Демак, журналист судда кўрилган ишни ўрганишга, ўз текширувини ўтказишга, тўплаган маълумотларини эълон қилишга ҳақли. Фақат суд ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг журналист ўз тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилиши мумкинлиги кўрсатиляпти.

Энди жавоб хатидаги асосий эътироз — **суд қарорларини ўзича таҳлил этишга** журналистнинг ҳаққи йўқлиги ҳақида бироз тўхталсак, ўйлаймизки, бошқалар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Мамлакатимизда мустақил суд ҳокимияти шаклланди, судлар мустақил равишда одил судловни амалга оширмоқда. Бу дегани суднинг қарори чиқди-ю шу билан масалага абадул-абад нуқта қўйилди дегани эмас.

Биз ҳуқуқий-демократик давлат, инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаганмиз. Фуқаролик жамиятининг муҳим принципларидан бири — бу жамоатчилик назорати ҳисобланади. Жамоатчилик назорати давлат фаолияти, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, суд фаолияти устидан ўрнатилиши муҳим аҳамият касб этади. Адолат, демократия тамойиллари жамоатчилик назоратига боғлиқ. Жамоатчилик назорати — судга раҳбарлик ҳам, тазйиқ ҳам эмас. Агар жамоатчилик назоратидан қочсак, воз кечсак, яна тоталитар тузумга қайтмаймизми?

Юртбошимиз қонун ва адолат устуворлигини таъминлашда жамоат назоратининг аҳамияти нақадар муҳимлигини кўп бор такрорлаган. У 1998 йил 5 декабрда Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида шундай деган эди: **«...давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб, мавжуд салбий иллатларни йўқ қилиб бўлмайди. Бундай назоратни ташкил қилишда, жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан бирга, авваламбор фуқаролар ва жамоатчиликнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари иш олиб бориши, ҳақиқат ва адолат учун курашга қаттиқ бел боғлаши керак».**

Барча ривожланган, демократик давлатларда жамоат назоратининг энг самарали, таъсирчан йўли оммавий ахборот воситалари эканлиги аллақачон тан олинган. Жамоатчилик назоратини ўрнатишдан мақсад — амалдорлар томонидан содир этилаётган порахўрлик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, коррупция, лоқайдлик сингари иллатлар илдизига болта уриш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш. Агар судлар ҳукми ва қарорига ҳеч ким муносабат билдирмаса, суд танқид, таҳлил ва таклифлардан холи бўлса, тассавур қилинг нима бўлади?.. Суд тизимларида хато-камчиликлар йўқми, таниш-билишчилик, таъмагирлик ҳолатлари рўй бермаяптими? Сарсон-саргардонлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол этишга йўл қўйилмаяптими? Ноқобул, малакаси паст судьялар йўқ деб ким айта олади?

Шунинг учун ҳам биз ўзимизча ўйлаб топмаган, балки асрлар давомида тажриба-ю синовлардан ўтиб, юзага келган жамоат назоратидек бебаҳо, ноёб институт инсоният томонидан тан олинган. Мамлакатимизда ОАВдан ташқари Олий Мажлис ҳузурида Қонун ҳужжатлари билан ишлаш мониторинги институти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан қонунларга, инсон ҳуқуқларига нечоғли риоя этилаётгани ўрганилади, таҳлил этилади, хулосалар берилади. Масалан, ҳар ойда омбудсманга судлар чиқарган қарорлар устидан фуқаролардан ўнлаб шикоятлар келади. Омбудсман ходимлари бу шикоятларни ўрганади. Ўз таҳлил ва хулосаларини тегишли идоралар эътиборига ҳавола этади.

Тўғри, агар шикоят жиноий иш билан боғлиқ бўлса, унда бу ташкилотлар ҳам суд ҳукми ёки қарори қонуний кучга киргандан кейингина ўз муносабатини билдиради. Бу хатти-ҳаракатлар суд ишига аралашув ҳисобланмайди.

Шу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритиш зарурга ўхшайди. Солиқ қўмитасидан таҳририятимизга келган жавоб хатининг охирги сатрларига эътибор берайлик: **«...солиқ хизмати ва суд органларининг нуфузини обрўсизлантиришига олиб келишини маълум қиламиз».** Яна бир марта «қойил-э, ақлингизга балли» деб юборгинг келади. Совет замонида матбуотда чиққан танқидларга нисбатан ана шундай қарашлар бўларди. Амалдорлар ўз айбларини хас-пўшлаш мақсадида **«бу мақола инсонпарвар совет тузумининг, доно коммунистик партиянинг нуфузига путур етказади, душманлар олдида обрўмизни тўкади»** каби қизил, сиёсий гапларни ниқоб қилиб, аюҳаннос солишарди. Мухбирни халқ душманига чиқариб қўйишарди.

Биз эълон қилган мақолада солиқ хизмати ёки суд обрўсини тўкишга асос бўладиган қанақа гап-сўз бор эдики, муҳтарам М.Абдуллаев шундай хулосага келдийкин? Мақолада мухбир давлат солиқ қўмитаси бир масъул ходимни лавозимидан бўшатиш тўғрисида чиқарган буйруғи асоссизлигини исботлашга ҳаракат қилиб, ўз мулоҳазаларини баён этган, холос. Мақоладан сўнг Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судининг 2003 йил 7 апрель куни қабул қилган ҳал қилув қарори билан солиқ қўмитасининг Х.Ортиқовни лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги буйруғига асос қилиб олинган айбловлар бекор қилинган. Ушбу масала бўйича навбатдаги мақолада **«Солиқ қўмитаси буйруғидаги айбловлар ноқонунийлиги учун бекор қилинган бўлса, нега жабрланган ходимнинг ҳуқуқи тикланмаяпти?»** деган масала қўйилган. Биз масалани кўтардик, фикр айтдик холос. Қарорни ваколатли идоралар ҳал қилади. Ушбу мақола юзасидан Олий суддан жавоб олганмиз. Нима, шу билан суднинг ёки солиқ хизматининг обрўси тушиб кетдими? Тушмади, тушмайди ҳам.

Лекин, танқидга, матбуотга бунақа муносабат, яъни юзаки жавоб ёзиш, бизнингча, Солиқ қўмитасидек нуфузли идорага сира ярашмайди. Хатни тайёрлаган ижрочи ўз хатосини тан оладими, йўқми билмадику аммо у ўз раҳбарларини чалғитиб, ноқулай вазиятга солиб қўйди, деб ўйлаймиз. Аслида раҳбарлар билиб-билмай қонунга зид ҳаракат қилса, ҳуқуқшунос айтиши, тузатиши керак эмасми? Солиқ ходими Х.Ортиқовни ўз лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни тайёрлашда ҳам эҳтимол ҳуқуқшунос сифатида М.Абдуллаев қатнашгандир. Шундай бўлса, демак, у ўз раҳбарларини биринчи марта чалғитмаяпти.

Камчиликни, хатони тан олишдан ҳеч қачон, ҳеч кимнинг нуфузига путур етмаган, қайтага очиқлиги, одиллиги, принципиал ва мардлиги учун обрўси ошган. Танқидни оғриниб қабул қилиш, ўзига сув юқтирмасликка уриниш, баҳона ахтариш, масалага юзаки ёндошиш, манманлик билан қарор қабул қилиш ҳеч кимга ҳеч қачон зиғирча обрў келтирмаган. Бу ҳаёт ҳақиқати.

Шу ўринда айтмасак бўлмайдиган яна бир иллат бор. Айрим идора ва ташкилотлар раҳбарлари эълон қилинган танқидий мақола юзасидан жавобни фақат таҳририят кутаяпти, деб ўйлайди шекилли, номига жавоб ёзиш билан қутилиб қўя қолишни маъқул кўришади. Баъзан эса **«бу болалар газетаси экан, ёшлар нашри ёки партия газетаси экан, биздан жавоб талаб қилишга нима ҳаққи бор?»,** деб ўта юзаки ўйловчилар ҳам йўқ эмас.

Оммавий ахборот воситалари қайси идора, ташкилотники бўлишидан қатъи назар жамоатчилик назорати воситаси ҳисобланади. ОАВда кўтарилган масала бўйича жавобни энг аввало одамлар кутади. Таҳририятга жавоб бериш — бу жамоатчиликка, халққа берилган жавоб ҳисобланади. Жамоатчиликка жавоб беришга эса ҳар бир раҳбар бурчли. Таҳририятни алдамоқчи бўлганлар одамларни алдашга уринган бўлади. Одамларни эса алдаб бўлмайди.

**Сафар ОСТОНОВ,**
**бош муҳаррир**

# МУРУВВАТ ЗАМИН

— Э, шунақами? Редакция эмас, нашриётга кириш керак. Ижод учун нашриёт дуруст.

Озод ака мени етаклаб «Янги аср авлоди», аввалги «Ёш гвардия» нашриётига олиб кирдилар. Эркин Воҳидовга рўбарў қилиб, ёрдам беришни сўрадилар. Эркин ака бўлим мудири эдилар. Бадиий таржима бўйича муҳаррир вазифаси бўш экан. Синаб кўриш учун муддат белгиладилар. Олдиндан айтиб қўя қолай, мен бу масъулиятли ишга тайёр эмасдим.

Бирга нашриётдан чиқарканмиз Озод ака:

— Ишламаётган бўлсангиз тирикчилик ҳам... Чўнтак кавлаб битта йигирма беш сўмлик чиқардилар. Ҳарчанд уринмайин, қўярда-қўймай енги калта кўйлагим чўнтагига солиб қўйдилар.

Бу воқеаларга қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтди. Баҳоли қудрат меҳнат қилдим. Китобларим нашр этилди. Саҳна асарларим ўйналди. Авлодим орасида ўзимга яраша ўрин топдим. Ўша илк кунларда Озод аканинг илиқ меҳри, жонкуярлиги менга ниҳолга қуёшнинг саховатидай таъсир этганини умрбод ҳис қилиб тураман.

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида Озод ака Наманганга бориб қолдилар. Ширингина давра қуриб ўтирган эдик. Ўша 25 сўм қарзимни эсга олдим.

— Нима бало, ўшанда кайфим бормиди? — деб қолдилар.

Даврада кулги кўтарилди.

— Йўқ, ҳар қачонгидан-да ҳушёр эдингиз.

— Ундай бўлса, бу гап менга туҳмат! — Кулгига олдилар устоз.

... Олти йил олдин мана шундай баҳор кунларида менинг ишдан бўшаганимни эшитиб қолибдилар. «Жаҳон адабиёти»даги дўстларим Озод ака мени қидираётганларини айтиб қолишди. Ҳузурларига бордим.

— Тошкентда уйингиз борми? — деб қолдилар.

— Йўқ, — дедим.

— Яшаб тургани жой топилар?

— Топилади.

— Эшитишимча ишсиз қолибсиз. Бизнинг журналга келиб ишласангиз, девдим.

— Раҳмат, Озод ака, — дедим. — Аллақачон ишга жойлашганман.

— Ишлаётган бўлсангиз, яхши.

Тавба, вилоятда яшаб, ишлайдиган бир қаламкашга шунчалик эътибор ва ғамхўрлик замирида ётган туйғу ҳам ана шу МЕҲР эмасми?!

Ёки олтмиш ёшлик тўйимда довон ошиб ўтишдай машаққатни писанд қилмай совға-салом билан қутлагани бориш, даврамга файз киритиш-чи?! Меҳр бундан ортиқ бўладими?

Тақдир тақозоси билан ҳали ҳарбий хизматда, кейин эса Наманганда яшаб, ишлаб Озод ака даврасида доим бирга бўладиган мухлислар сафидан олисроқда юраман. Аммо ҳар қадамимда у кишидан кўрган меҳр ва илтифотни миннатдорлик билан эслайман. Бундай воқеалар кўп ва бундай меҳр кўрганлар ҳам бисёр.

Балки, устознинг ўз атрофига сочган меҳр нурларидан баҳраманд бўлганлар меҳри ва дуоси у кишини турфа балолардан, маломат ва бўҳтонлардан асраб қолди, қолмоқда. Халқнинг меҳрига, давлатимиз раҳбарининг меҳрига муяссар этди.

Меҳр — қуёш деганимда қуёш набототни ўз ҳарорати билан яшнатгани каби меҳр инсоннинг пинҳон имкониятларини рўёбга чиқариб уни камолот сари етаклашига имон келтирганимни айтмоқчи бўлдим.

⟡⟡⟡

**Яхшилик кўрган гапирсин,**
**Яхшилик қилган эмас,**
деб ёзган эди шоир ва олим Одилжон Носиров.

Яхшиликлар орасида меҳрни ифода этишнинг яна бир усули — мурувват кўрсатиш ҳам борки, бу ҳам мусулмонликнинг, ҳам ўзбекликнинг олий кўринишидир. Агар меҳр қуёш бўлиб ниҳолни ўстирса, мурувват пухта замин бўлиб унинг илдизини бақувват қилади. Илдизи бақувват ҳар қандай ниҳол тез ўсади, серҳосил бўлади.

Халқимиз табиатан мурувватпеша. Бир майизни қирқ бўлишга тайёр, дастурхонидан бир меҳмон туз тотмаган кунни мазмунсиз ўтди, дейдиган халқ. Айни пайтда ориятли халқ. Имкон қадар эҳтиёжини сездирмайдиган, идорама-идора юриб ёрдам сўраб одамларни бездирмайдиган халқ.

Муҳтарам Президентимиз 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишни таклиф этганларида биз учун эзгу қадрият бўлган мурувватпешаликни ардоқлаш, кўча ва маҳаллаларда муҳтож одамларга ўзларига сездирмаган ҳолда ҳиммат кўрсатишни кўзда тутганлари шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида кимсасиз қолган қариялар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатиш анъанага айланди. Бу албатта, яхши. Аммо, бу ишда расмиятчилик ҳам пайдо бўлди. Маҳаллаларда қачонлардир тузиб қўйилган рўйхатлар бор. Ҳатто ҳар бир муҳтожга бир ташкилот ёки раҳбар ходимни бириктиб қўйишгача бориб етилди. Энди ташкилот раҳбари ёки раҳбар ходим ўзига бириктилган ночор одамга ёрдам кўрсатаётганини элга билдириш учун телевидениедан, газета, радиодан мухбирлар чақиради.

Ачинарлиси шундаки, озмикўпми мурувват кўрган одам мурувватпешага телевидение орқали миннатдорчилик билдиришга мажбур.

Аввало ўзи эҳтиёжманд бўлса-да, бу ориятли одам ўзини ночор кўрсатишларини хоҳламайди.

Иккинчидан, меҳр ҳам, мурувват ҳам гул ҳидидай пинҳон бўлиши кераклиги ҳақидаги қадриятларимизга путур етади.

Бугун жамиятда мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Фермерлар тонна-тонна ғаллани халққа тарқатяптилар. Наҳотки улар ҳам ўз ҳимматларини кўз-кўз қилишни хоҳласалар.

Мустабид тузум даврида маълум маънода турмушимиздан узоқлашиб қолган саховат ва мурувватни ўз жойига қўйиш, ривожлантириш йўлидаги хайрли ишга жиндай расмиятчилик, дабдабабозлик аралашса маънавиятимизга путур етказади.

Яна бир гап. Ўзбек хонадони йўққи, ўқувчи ё талаба бўлмасин. Мурувват кўрсатувчилар ёғ-гўшт, бошқа озиқ-овқат, борингки мато ё гилам, кийим-кечак тортиқ қиладилар. Аммо бирор ҳоким ё раҳбарнинг, тадбиркор ё мулкдорнинг, фермер ё ҳунарманднинг бирор хонадонга Ҳазрат Навоийнинг янги нашрдан чиққан йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўпламини, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясини, мумтоз ва замонавий адабиётимиз намояндалари асарларини совға қилганини кўрмадим.

Ахир одам фақатгина қорнини тўйдиришга муҳтож эмаску?! Балки у озиқ-овқатдан кўра билимга муҳтождир.

Хуллас, меҳр ва мурувват мавсумий иш эмас. У бизнинг ҳаётимиз мазмуни, ўзлигимиз рамзи.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов тарих саҳнасида халққа меҳр ва мурувват кўрсатишнинг, эл бахти-саодати, Ватан равнақи йўлида фидойиликнинг тимсоли сифатида намоён бўлмоқда. Ўз қадрини билган ҳар бир ватандошимиз у кишининг ибрат мактабидан сабоқ олса қадриятларимиз янада ардоқланган, янги мазмун билан бойиган бўларди.

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## МАҲАЛЛАДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Қоракўл азалдан полвонлар, спорт жонкуярлари юрти. Туман ҳокимлиги болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётгани ҳам юқоридаги фикрнинг исботидир. Яқинда туман марказидаги Акмал Икромов номли маҳаллада ҳам спорт-соғломлаштириш майдончаси барпо этилди. Бунда маҳалла аҳлига «Қоракўлтекс» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоаси ҳамкорлик қўлини чўзди. Барча керакли спорт анжомлари корхона ҳисобидан етказиб берилди.

Айни пайтда маҳаллада чоғроқ теннис кортини бунёд этиш ишлари давом этяпти.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### ОММАВИЙ-СИЁСИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

**Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгаши** «Икки палатали парламент тизимида сиёсий партияларнинг ўрни» мавзуида семинар ўтказди. Унда иштирок этган ёшлар парламент ислоҳотининг моҳияти, шу йўналишда қабул қилинган янги қонунлар, ХДПнинг фаолияти тўғрисида фойдали маълумотларни олдилар. Навоий вилоят ва шаҳар партия кенгашларининг етакчилари Р.Ботиров, У.Мусаев ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ёшларга тарқатилган анкета саволлари уларнинг сиёсий билимлари даражаси ва сиёсий партиялар фаолияти тўғрисидаги фикрларини яқиндан билиш имкониятини берди.

**Партия Тўрақўрғон, Чироқчи туман кенгашлари** қатор корхона, муассаса бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасини ўрганишга бағишланган мулоқот ва учрашувлар уюштирмоқдалар.

**ХДП Сирғали туман кенгаши** ҳузуридаги «Ҳаёт мактаби» клуби аъзолари қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда Собир Раҳимов туманида жойлашган Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида маданий-маърифий тадбирни ташкил қилдилар. Ёлғиз, дуогўй кексалар аҳволидан хабар олиниб, улар билан самимий суҳбат бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида концерт дастури намойиш этилди ва кекса отахону онахонларга совғалар улашилди.

**Мазкур туман партия кенгаши** томонидан хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармасининг шу ердаги бўлими ҳамкорлигида ҳозирда кексалик гаштини сураётган 70 нафар фахрийларнинг Зангиота зиёратгоҳига ташрифи ташкил қилинди. Тадбир давомида қадриятларимизни тиклаш, ёшлар тарбияси масалаларида суҳбат уюштирилди, нуронийларга дастурхон ёзилди. Пиру бадавлат кексаларимизнинг ушбу зиёратини ўтказишда Сергели туманидаги 4 ва 12-автосаройларнинг раҳбарлари яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

**Тошлоқ тумани** марказий шифохонаси маъмурияти, мазкур жамоанинг ХДПга аъзо ходимларини бирлаштирган ҳудудий партия ташкилоти ҳамда туман ҳокимиятининг ташаббуси остида туғиш ёшидаги аёллар билан очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда. Соғлом авлодни дунёга келтириш, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, ёш оилаларнинг тиббий билимларини ошириш мақсадида ташкил қилинган мазкур тадбир ўз самарасини кўрсатмоқда. Кўпгина аёллар ўзларини қийнаб келаётган муаммолар юзасидан маслаҳатлар олмоқдалар. Шу каби очиқ мулоқотлар Б.Шерматов, М.Эргашев номли, «Оқ олтин», «Заркент» каби ширкат хўжаликларида ҳам бўлиб ўтди. Марказий шифохона бош ҳакими Р.Шерматов, гинеколог Н.Раҳмонова ва бошқа шифокорлар уларда иштирок этиб, аёлларга тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар бердилар.

**Норин туман партия кенгаши** томонидан ўтказилган «Сен ўксинма, болажон» мавзуидаги учрашув ҳам меҳр ва мурувват тадбирлари доирасида бўлди. Ушбу тадбирга йиғилганлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ёрдам кўрсатиш тадбирларини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритдилар.

**ХДП Наманган туман кенгаши,** туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ бўлими ҳамкорлигида «Аёл билан олам мунаввар» шиори остида беллашув ташкил қилиниб, ғолибларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

**ЎзХДП Беруний туман кенгаши** шу ердаги хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда Наврўз байрами олдидан 80 нафар хотин-қизларга дастурхон ёзиб, уларнинг самимий суҳбатини уюштирди. Тадбирга ташриф буюрган бир гуруҳ фахрий аёллар туман партия кенгашининг эсдалик совғаларига сазовор бўлдилар.

Шунингдек, туман спорт қўмитаси билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа ташкил қилинди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.


НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон аҳлини, шунингдек, республикага ташриф буюрган хорижий меҳмонларни баҳор айёми – Наврўзи олам билан чин юракдан табриклайди!*

*Шу қутлуғ диёрнинг порлоқ келажаги учун юракдан меҳнат қилиш, юрт бахт-саодати учун ёниб яшаш ҳар биримизга фахр ҳиссини берсин.*

*Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги кунда биз ҳам Яратгандан ўлкамизда ҳамиша тинчлик, ҳар бир хонадонда осойишталик, тотувлик ҳукм суришини, дастурхони тўкин, ризқи бутун бўлишини, фарзандларимиз камоли юксак-юксакларга бўй чўзишини тилаб қоламиз.*




Ҳаётимиз сумалак тотидек ширин бўлсин.



«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ КЎКЛАМ ОҒУШИДАГИ БЕТАКРОР МАЛИКА, АЖДОДЛАР АРДОҚЛАГАН МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

НАВРЎЗИ ОЛАМ

БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

**Хонадонингизда доимо Наврўз дастурхонидек тўкинлик, фаровонлик, қалбингизда эзгу туйғулар, шодлигу қувонч мужассам бўлсин!**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» юртимиз аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида хорижий валютадаги нақд пул жўнатмаларини жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатларига халқаро «CONTACT» тизими орқали амалга ошириш бўйича замонавий хизмат турини таклиф этади.**

**«CONTACT» тизими бўйича нақд хорижий валютадаги пул жўнатмаларини қабул қилиш ва бизнинг ҳудудга келиб тушган пул кўчирмаларини эгаларига тўлаб бериш «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг филиалларида жойлашган жамғарма кассалари орқали амалга оширилади.**

**«CONTACT» тизимида пул жўнатмаларини ишончли, қулай, тез ва арзон нархда, яъни жўнатилаётган маблағнинг 3% миқдорида хизмат ҳақи тўланади.**

*Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:*

**120-45-17, 133-34-45**

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!



UZMAL OIL

«ЎзМал Ойл»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни гўзал

Наврўз айёми

билан самимий муборакбод этади

*Табиатга янги ҳаёт бахшида этаётган бу улуғ айём юртимизга қут-барака, хонадонларимизга файзу тароват олиб келсин.*

*Юртимиз осмони тинч ва осойишта, қалбларимиз иймон ва фидойиликка ошно бўлаверсин.*

*Азиз юртдошлар!*

*Иқболингиз баланд,*

*умрингиз узоқ,*

*ризқ-рўзингиз доимо бутун бўлсин!*



Брюссель теварагидаги Веммель шаҳрида «БелОсиё — 2004» сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан 60дан зиёд сайёҳлик фирма ва шу соҳада фаолият кўрсатувчи авиакомпаниялар иштирок этди.

Ўзбекистон «БелОсиё» кўргазмаларида 2002 йилдан буён қатнашмоқда. Бу йилги кўргазма «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Париждаги минтақавий ваколатхонаси, «Долорес-тур» сайёҳлик фирмаси ва Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан тақдим этилди.

## ЎЗБЕКИСТОН «БЕЛОСИЁ — 2004»ДА

Безатилган пештахталардан ахборот ва эълон мақсадларида чоп этилган нашрлар, йўл кўрсаткичлари ва шаҳарларни акс эттирувчи китобчалар, турли тарихий обидаларнинг суратлар тўпламлари жой олди. Шу ернинг ўзида турфа совғалар ва халқ ҳунармандчилиги буюмлари савдоси ташкил этилди.

Самарқанд, Бухоро ва Хива каби машҳур шаҳарларни кесиб ўтган Буюк ипак йўли йўналиши хорижий сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этди.

«БелОсиё» кўргазмаси ташкилий қўмитаси раиси Ж.Роелснинг сўзларига кўра, Ўзбекистон ўзининг ноёб сайёҳлик маҳсулотлари билан дунё ва Европа сайёҳлик бозорларига дадил ва фаол кириб бораётган мамлакатлар сирасига киради. Ўз сайёҳларини республикамизга жўнатаётган сайёҳлик фирмалари сонининг ошиши мамлакатимиз сайёҳлик маҳсулотининг тобора кенг шуҳрат касб этаётганидан далолат беради. Хусусан, Бельгияда ҳозирда бундай фирмалар сони 10та бўлса, Голландияда – 18тани ташкил этади.

**Ж.МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон»АА**

2004 — Меҳр ва мурувват йили

# МЕҲР-ЛА КЎНГИЛ ОБОД БЎЛСА

## ОСТОНА ОЗОДА, ХОНАДОН ТИНЧ, ҲАЁТ ГЎЗАЛ

Инсон ўзининг яхши амаллари билан атрофдагилар ишончига киради, ҳурмат-эътиборига сазовор бўлади. Демак, яхшилик одамлар кўнгилини обод қилади, бир-бирига меҳр уйғотади.

Пойтахтимизнинг Яккасарой тумани «Тепа» маҳалласидаги Бобур кўчасида жойлашган кўп қаватли 3-уй бошқаруви раиси Даврон Даминов қачон қараманг, хайрли ишлар билан юрган бўлади.

— Яшаётган уйимиз, унинг атрофига қараб одамлар бизга баҳо беради, — дейди у. — Шундай экан, «дом»имиз хонадонларию йўлаклари, ҳовлисини саранжом-саришта бўлиши учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз. Ҳашар уюштиряпмиз.

Бир тасаввур қилинг: ахлатлар тўкиб ташланган, йўлаклар ифлос, кирган-чиққан билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Деворлар нураган. Ҳовли файзсиз. Ҳамма нарса сочилиб ётибди.

Шу ерда ҳам одам яшайдими? Ўтган-қайтганлар ўзларига шундай савол беришса билингки, бу уйдан барака кетган, фаришталар қочган. Демакки, кўп қаватли уйда яшовчилар аҳил эмас. Бир-бирларини йўқламайдилар. Бир-бирларига меҳрсиз. Қўшни қўшнисига мурувват кўрсатмайди. Энг ёмони шу, билсангиз.

Даврон Даминов куюниб айтаётган гапларда жон бор. Баъзида хунук манзарага кўзимиз тушганда кўнглимиз хира тортади.

Энди Даврон Даминов ҳақида икки оғиз. У «Тепа» маҳалласидаги кўп қаватли 3-уйнинг «домкоми». 31 квартирали мазкур уй 1955 йилда қурилган. Дарвоқе, ана шу уйни қурганлардан бири Антонина Муллабаеванинг ўзи ҳам шу ерда яшаяпти. Пенсионер аёл домкомдан миннатдор.

— Ростини айтсам, домимиз анча ғариблашиб қолганди, — дея гапга қўшилди Антонина Муллабаева. — Ҳовли бетартиб эди. Устига-устак ўтирадиган жой йўқ. Атрофга қараб бўлмасди. Давронни домкомликка сайлаб тўғри қилган эканмиз. Қаранг, гуллар экилиб, дарахтлар ўтқазилди. Ҳовли бутунлай тозаланди. Йўлакларимиз ёруғ, тоза. Буларнинг ҳаммаси Даврон Даминов бошчилигида амалга оширилди.

Ҳамроҳим билан атрофни айландик. Икки уй, икки манзара. Бири ҳалигидай. Иккинчиси остонасида озодачилик, ободлик. Қўни-қўшнилар қуюқ салом-алик қилишади. Ўз уйларини ўзлари обод қилаётир.

— Яккасарой туман ҳокимлиги ҳам амалий ёрдам бераётир, — Даврон Даминов шундай дея катта йўлга ишора қилди. — Бу ердан кунига қанча одам ўтади. Бизнинг уйга кўзи тушганлар ҳавас қилсин, дейман. Ҳовли дарвозасига панно ўрнатдик. Мақсад ҳовлидан чиққанда ёки ишдан қайтаётиб тўғриликка, яхшиликка ундовчи гапларни ҳамма ўқисин, билсин. Бу ҳам тарбиянинг бир кўриниши. Яна ҳар бир йўлакка эълонлар тахтасини ўрнатмоқчимиз. Ҳовли ҳадемай гулзорга айланади. Ниятлар кўп...

У қўлимга альбом тутқазди. Суратларда уйнинг аввал қандай бўлганлиги ҳамда таъмирланиб тозалангандан кейинги кўриниши акс этган.

— Шу уйда яшайман. Пенсионер Иван Петрович Зайцев бўламан, — суҳбатга қўшилди кекса киши. — Даврон ажойиб инсон. Унинг елиб-югуриши билан уйимиз қиёфаси бутунлай ўзгарди. Ҳовлида сайр қилиб дам олишимиз учун қўлидан келган ишларни қиляпти. У қўшнилар бошини қовуштирди. Аҳил яшаб, масалаларни баҳамжиҳат ҳал қилаяпмиз. Қолаверса, у ногирон ва пенсионерларга мурувват кўрсатиб, қўлидан келганича ёрдам бераётир.

Пенсионер Надежда Степановна Болтиқбўйидан олиб келган табиий яшил гулдевор қаламчаси ҳадемай ҳовлида ажиб бир манзара яратади.

«Яхши амал қилсаларингиз, ўзларингизга қайтади». Муқаддас китобдаги ана шу сўзлар Даврон Даминовнинг шиори. Унинг таъбири билан айтганда, ҳеч ким назардан четда қолмасин. Ҳар ким ўз уйини ўзи асрасин.

— Ҳар бир оила аъзолари аввало бир-бирларига меҳрибон бўлсин. Мурувват кўрсатсин. Шундагина кўнгил ҳам обод бўлади, — дейди Даврон Даминов.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига кенг имконият, улкан вазифалар қўйилган ҳозирги шароитда шунча оилани бирлаштириш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун киши фидойи, ташкилотчи бўлиши керак. Ҳузур-ҳаловатдан кечишга тўғри келади. Даврон Даминов ана шундай беҳаловат, ўзгалар дард-ташвиши билан яшаётган юртдошларимиздан бири. Унинг кўнглидаги ободлик хонадонларга кўчиб, кўп қаватли уй ҳовлисида куртак ёзмоқда. Остонаси озода уйга кираётиб буни кўрасиз, ҳис қиласиз.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**


САМАРҚАНД «АВТОТЕХХИЗМАТ»

АКЦИЯДОРЛАР ҲУДУДИЙ УЮШМАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ



умидбахш орзулар ила кутилаётган Баҳор ва нафосат байрами — Наврўзи олам билан юртимиз аҳлини чин дилдан муборакбод этади!

**Ушбу байрамнинг кўтаринки руҳи мамлакатимизда ислоҳотларни янада жадаллаштиришга қанот бағишлайди. Шунингдек, «Ўзавтосаноат»нинг барча ходимларига янги куч-ғайрат бахшида этади.**
Бугун Ўзбекистон «Ласетти», «Нексия», «Матиз», «Дамас» автомобиллари билан жаҳонга чиқди. Бу эса «Ўзавтосаноат» фаолияти жаҳон андозаларига монандлигидан далолатдир.

Меҳр ва мурувват йилида Самарқанд шаҳри ва вилоятидаги мавжуд банклар орқали фуқароларга имтиёзли кредит бўйича сотилаётган «Нексия», «Матиз», «Дамас» автомашиналарига 3 йилга кафолатланган хизмат кўрсатилмоқда. Биз билан ҳамкорлик қилган фуқаролар 24 соат ичида ўз машинасига эга бўладилар. Биз доим ҳамкорликка тайёрмиз!

**Сизларни яна бир бор байрам билан қутлар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик, тотувлик, файзу барака ва фаровонлик тилаб қоламиз.**









Акциядорлик тижорат "ПАХТА БАНК"

ўз акциядорлари, мижозларини, барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий қутлайди!

*Наврўз - табиатнинг уйғониш фасли, умумхалқ байрами, меҳр-мурувват айёми, орзу-умидлар рамзи. Шу билан бирга, Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиат чексиз саховатининг ёрқин кўринишидир. Шу боис халқимиз Наврўзни ўзгача соғинч, ўзгача умид билан кутади. Зеро, ушбу айём қалбимизга ёруғлик олиб киради, кўнгилларимизни мунаввар этади. Табиатга меҳр, эртанги кунга ишонч уйғотади. Наврўз шунинг учун ҳам азиз ва улуғ айёмдир.*



**Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз! "Пахта банк" - фаровонлигингиз калитидир!**

**Банк Кенгаши ва бошқаруви**

Янгилик!

# ТАКСОФОН:

## БУГУН — ТОШКЕНТДА, ЭРТАГА — БУТУН ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майдаги **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»**ги Фармони юртимизда барча телекоммуникация соҳалари қатори таксофон тармоғини ҳам кенг ривожлантиришга катта йўл очиб берди. Ушбу фармон талабларидан келиб чиқиб **«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясида «Тошкент Таксофони» акциядорлик жамияти** фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, республикамизда замонавий таксофонларни жорий этган ҳолда аҳолини юқори сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

Бу соҳадаги режаларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шу боис, чет эл сармояси, хорижнинг шу тармоқ бўйича иш олиб борувчи етакчи компаниялари жалб этилди. Натижада 2003 йилнинг 8 июлида «Ўзбектелеком» АК ҳамда «Solan Communication Services» (Исроил) компанияси ҳамкорлигида **«Тошкент Таксофони» қўшма корхонаси** ташкил этилди.

Ушбу муносабат билан BUMI International Tashkent (TATA) меҳмонхонасида тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари М.Маҳмудов, Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Цви Кохон, «Ўзбектелеком» АК Бош директори Ҳ.Муҳитдинов, корхона таъсисчиларидан бири — «Solan Communication Services» компанияси вице-президенти жаноб Цви Шва, Қўшма корхона Бош директори жаноб Меир Таль, Исроилнинг коммуникацион технологиялар жамияти ва «Solan Communication Services» компанияси Президенти жаноб Яков Солан сўзга чиқиб, Ўзбекистонда таксофон тармоғини ривожлантириш йўлида қилинаётган халқаро ҳамкорликнинг ёрқин келажаги тўғрисида кенг жамоатчилик, тармоқ мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакилларига атрофлича сўзлаб бердилар.

**Маҳсум Маҳмудов, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари:**

— Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд таксофон тармоғининг эскирган технологияларга асосланганлиги, ривожланиш жиҳатидан бошқа телекоммуникация соҳаларидан анча орқада қолганлиги ва бу ҳолат аҳолининг таксофонлар орқали телефон алоқасига бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олмаётганлиги сир эмас.

Мазкур қўшма корхонанинг тузилиши — республикамизда таксофонлар хизматини: ҳам телефон, ҳам факс, ҳам Интернет ва бошқа телекоммуникация тармоқлари сингари замон талаблари даражасида ривожлантириш борасидаги янгича қадам.

Қўшма корхона тузишда бежиз айнан «Solan Communication Services» компанияси танлангани йўқ. Компания таксофон тармоғи хизмати кўрсатиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Унинг таксофон аппаратлари энг замонавий талабларга жавоб бериб, махсус карталар ёрдамида маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Махсус таксофон карталари компания томонидан 1000 сўмлик (10 UNIT), 2500 (25 UNIT), 5000 (50 UNIT) ҳамда 10000 сўмлик (100 UNIT) қийматларда амалга киритилади. Ушбу карталарнинг универсаллиги шундаки, улардан **нафақат таксофонлар, балки уй, иш, ҳатто, уяли телефонлар** орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Келажакда эса бу карталар билан мижозларнинг **Интернетга** боғланишлари ҳам йўлга қўйилади.

**Цви Кохон, Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчиси:**

— Ҳозирги кунда пойтахтингизда янги карточкали универсал таксофонларни бошқариш марказини ўрнатиш ишлари якунланди ва марказ дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтди. Таксофон аппаратларини лойиҳага асосан хорижлик шерикларингиз етказиб беришни ўз зиммаларига олганлар. Айни дамда умумий сони 100 дона бўлган бундай таксофонларнинг биринчи навбати етказиб берилди ва уларни тез кунлар ичида пойтахтингиз кўчаларида ўрнатиш ишлари бошланади. Умуман олганда, жорий йилда Тошкентда 300 га яқин таксофон ўрнатилиши режалаштирилган.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши шаҳар аҳлига катта қулайлик туғдириши ва у **яқин келажакда бутун Ўзбекистонни қамраб олиши, «Ўзбектаксофон» вужудга келиши,** шубҳасиз. Мен бу йўлда ўзбекистонликларга омад тилайман. Айни пайтда бу ишда биз билан ҳамкорликка бел боғлаган «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига ўз мамлакатим номидан миннатдорчилик изҳор этаман...

❖❖❖

«Solan Communication Services» таксофон аппаратлари замонавийлиги, фойдаланишга қулайлиги билан бирга чиройли дизайнга ҳам эга. Шунингдек, унда ўзбек, рус ва инглиз тилларида фойдаланиш қоидалари ҳам ёзилиб қўйилган.

Компаниянинг таксофонларни бошқариш маркази ўрнатилган барча таксофонларни доимий кузатиб, улар устидан мониторинг олиб боради: қайси таксофоннинг қандай ишлаётганлиги, техник ҳолати, аппаратни бошқа жойга кўчириш ёки ўша ҳудудга қўшимча аппарат ўрнатиш масалаларини ҳам ҳал қилиш имкони бор. Марказ пойтахтимиздаги мавжуд АМТ-69 русумдаги таксофонларни ҳам карточкалар орқали ишлашларини таъминлай олади.

Таксофон карталарининг яна бир аҳамиятли жиҳати: улар чип карталарига нисбатан анча арзон. Негаки, чип карталари фақат чет давлатларда тайёрланса, махсус карталарни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти аллақачон мавжуд. Бу карталар таннархни арзонлаштириш билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқариш иқтисодиётига ҳам яхшигина даромад келтиради, валюта тежайди. Энг муҳими, уларни ҳар қандай телефонда ишлатиш мумкин.




Нафсиламбирини айтганда, одатда бирор корхона ёки ташкилот ривожи кўп жиҳатдан рақобат муҳитига боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан бугунги кунда республикамизда телефон ва интернет карталари хизмати рақобати ҳам жиддий тус олмаганлиги сир эмас. Айни шу соғлом рақобат майдонида ўз ўрнига эга бўлиш учун пойтахтимизда вужудга келган янги қўшма корхона эндиликда жиддий саъй-ҳаракатлар бошлади. Жумладан, «Тошкент Таксофони» қўшма корхонасининг олтмишга яқин аҳил жамоаси республикамизда замонавий карточкали универсал таксофонларни жорий этиб, аҳолини таксофонлар орқали юқори сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш йўлида ижодий изланишга киришдилар.

Яқин кунларда пойтахтимиз кўчаларида, метро, бекат, аэропорт ва бозорларда ривожланган мамлакатлардагидек, энг замонавий таксофон аппаратларига кўзингиз тушса, билингки, бу қўшма корхона жамоасининг тинимсиз меҳнатлари самарасидир.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

**Суратда:** «Тошкент Таксофони» қўшма корхонасидан фойдаланиш учун чиқарилган карточкалардан намуналар.

XORIJDA

## ИҚТИСОДИЙ ЖАЗО ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Грузия ҳукумати Ажария раҳбариятига ўз таъсирини ўтказиш учун кутилмаган йўлни танлади, дейилади «Новости Грузия» агентлиги ахборотида. У мухториятга нисбатан биринчи марта иқтисодий жазо чораларини қўллай бошлади. Денгиз ва ҳаво йўллари ёпилди, Грузия — Туркия чегарасидаги «Сарпи» чегара ва божхона назорат пунктидан юклар ўтиши тақиқланди. Ажария ҳукуматининг банкдаги барча ҳисоб-рақамлари «музлатиб» қўйилди. Грузиянинг бошқа ҳудудларида фаолият юритаётган Ажария банкларининг лицензиялари эса бекор қилинди.

Грузия Президенти Михаил Саакашвилининг айнан шундай чоралар кўриш борасидаги қарори 15 март куни Поти шаҳрида бўлган ҳукуматнинг фавқулодда йиғилишида маъқулланган.

Президентнинг айтишича, кейинги йилларда Ажария Батуми портидан, шунингдек, Сарпи божхона постидан тушадиган солиқ йиғимларини (йилига 200-300 миллион доллар) Грузия давлат бюджетига ўтказмай келаётир. «Шеварнадзе бундай вазиятга чидаб келган бўлса, мен бунга асло тоқат қилолмайман» деди Президент Саакашвили.

Хўш, Ажариянинг аҳволи нима бўлади энди?

Олий иқтисодиёт мактаби раҳбари Евгений Ясиннинг айтишича, Грузия томонидан Ажарияга нисбатан қўлланилган иқтисодий жазо чораси натижасида Ажарияда очарчилик юз бермайди. У ўзини-ўзи таъминлай олади. Тўғри, Ажария анча кучсизланиб, ночор аҳволга тушади, лекин...

«Каспий нефтининг Ажария орқали ташувига чек қўйилиши аввало Грузия учун зарардир», деди у.

Ажария етакчиси Аслан Абашидзе эса АҚШ Президенти Жорж Бушга мактуб орқали мурожаат этиб, Тбилиси ва Батуми ўртасидаги можаро қон тўкилишига олиб келмаслиги учун унинг олдини олишда ёрдам беришини сўради. Бу ҳақда «Интерфакс» агентлиги хабар тарқатди.

## СЕССИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссиясининг йиллик олтмишинчи сессияси шу ҳафтанинг душанбасидан бошланди. У Женевадаги Миллатлар саройида бўлмоқда. Сессия 23 апрелгача давом этади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий органи бўлмиш мазкур комиссия 1946 йилда тузилган. Унга 53 та давлат аъзо бўлиб кирган. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Хитой, Германия, Франция сингари ривожланган давлатлар ҳам унинг аъзоси ҳисобланади.

Сессия давомида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ дунёнинг барча бурчакларидаги вазиятлар кўриб чиқилади. Бурунди, Куба, Ироқ, Мьянма, Конго Демократик Республикаси, Фаластин мухториятининг Исроил томонидан босиб олинган ҳудудлари, Корея Халқ Демократик Республикаси, Колубмия, Афғонистон, Сомали, Камбоджа, Сьерра-Леоне, Либерия ва Кипрдаги вазиятлар алоҳида муҳокама этилади.

Қисқаси, иркчилик, сўз эркинлиги, кам сонли халқларнинг миллий, диний, лисоний ҳуқуқларидан тортиб зўравонлик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларигача қамраб олинади, дея хабар беради Россия телевидениесининг 1-канали.

## ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТИШ АРАФАСИДА



Сўнгги маълумотларга қараганда, дейилади Internet хабарларида, Индонезиянинг Суматра оролида йўлбарслар йилига элликтадан камайиб бормоқда. Бунга сабаб, браконерликка чек қўйилмаганлигидир.

Маълумки, Суматра йўлбарсларининг териси қимматбаҳо бўлиб, жаҳон бозорида унга эҳтиёж катта. Унинг қозиқтиши ва тирноқлари сувенир сифатида бозоргир.

Бундан ташқари, ёввойи табиат ерларининг ўзлаштирилиши ҳам уларнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун Ёввойи табиат бутунжаҳон жамғармаси Индонезия ҳукуматини тезкор чоралар кўришга чақирди. Шу кунларда оролда бир неча юз йўлбарс қолган, холос.

## ИРОҚДА ҲАЁТ ҚАНДАЙ?

Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар бошланганининг бир йиллиги муносабати билан Британиянинг ВВС телекомпанияси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда турли оммавий ахборот воситалари одамлар орасида ўзига хос сўровлар ўтказди. Унда 2500 киши қатнашган бўлса, уларнинг 57 фоизи Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилгач, ҳаёт яхшиланганини эътироф этди. 19 фоизи эса аксинча, яшаш оғирлашганлигини айтди, 23 фоизи ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганини алоҳида уқтирди.

Сўралганларнинг 71 фоизи келажакка кўтаринки руҳ ва ишонч билан қарайди, 6 фоизи аҳвол бундан-да оғирлашишини «башорат» қилган бўлса, 9 фоизи ҳаёт ўзгаришсиз қолишини айтди.

Шунингдек, Буюк Британияда ҳам Ироқ масаласи бўйича сўров ўтказилди. 48 фоиз иштирокчи Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларни ёқлаб овоз берган бўлса, 43 фоизи эса аксинча, уни қоралаган.

Ироққа оид янгиликлардан яна бири шуки, агар Испания Ироқдаги ўзининг тинчлик кучларини олиб чиқиб кетадиган бўлса, Польша унинг ўрнига қўшимча кучлар жўнатмаслигини маълум қилди. «Биз режа бўйича ишлаймиз, уни ҳар дам ўзгартиришга ва ҳарбийлар жўнатишга қурбимиз етмайди. Негаки, тайёргарликдан ўтган ҳарбийлар бизда йўқ» деди Польша Президенти Александр Квасьневский.

Гап шундаки, Ироқдаги Польша қўмондонлиги таркибида 1300 нафар испан ҳарбийси хизмат қилади. Ироқдаги тинчлик ва барқарорликни сақлашда уларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Яқинда Испаниядаги сайловларда ғолиб чиққан социалистлар ҳукумати эса шу йилнинг 30 июнигача Испаниянинг Ироқдаги контингентини олиб чиқиб кетиши ҳақида баёнот берди.

Куни кеча Австралия ташқи ишлар вазири Александер Даунер Испаниянинг янги таркибдаги ҳукуматига мурожаат этиб, ҳарбий контингентни Ироқдан олиб чиқиб кетмасликка чақирди.


# ПОП ШАҲРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ЎРАМЛИ ТОМ ЁПГИЧ АШЁЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Ўлкамизга кириб келаётган табиат келинчаги, гўзаллик ва яшариш фасли Наврўз айёми муносабати билан барча Ватандошларимизни муборакбод этади.*

*Наврўз ўз номи билан — Янги кун. Тун билан кун тенг келадиган ушбу дамда янги йил бошланади. Деҳқонлар азиз тупроққа барака уруғини қадаб туриб, халқимизнинг насибаси мўл бўлишини орзу қиладилар.*

*Илоҳим, Юртимиз боғ-роғлари мева-чевага, далалари мўл-кўл ҳосилга тўлсин. Бепоён Ватанимизда бунёдкорлик ишлари авж олсин. Бинобарин, биз ишлаб чиқараётган қурилиш ашёлари ажойиб биноларга ярасин.*

*Юртимиз аҳлини байрам билан яна бир бор қутлар эканмиз, уларга тинчлик, хотиржамлик, дастурхонларидан қут-барака аримасин, деб қоламиз.*





BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

**ХАЛҚАРО МАЙДОНДА НУФУЗИ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАН СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ БАҲОР ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ —**

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

**БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**

Ана шу саховатли заминдаги ҳар бир оила ва хонадонга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, меҳру муҳаббат, фаровонлик тилайди.

Компаниямиз жамоаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу борада «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик уюшмаси ҳамда Япониянинг дунёга машҳур «Мицубиси корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳрида, пойтахт вилоятининг Чиноз туманида барпо этилган қўшма корхоналар ҳамда Чирчиқ шаҳрида бунёд қилинаётган «Бурсел — Тошкент — Текстиль МЧЖ» бўяш-пардозлаш ва тикув фабрикалари ҳам ана шундай дўстона алоқалар самарасидир. Юксак маррага эришиш учун барча куч ва имконияттa эгамиз.



**БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚУТЛУҒ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАР ЭКАНМИЗ, БАРЧАГА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ДАСТУРХОНИ ҲАМИША ТЎКИН БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ!**

BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

# «АЛОҚАБАНК»

## акциядорлик-тижорат банки

бунёдкор Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини қадриятларимизни улуғловчи, тараннум этувчи **НАВРЎЗ АЙЁМИ** билан самимий қутлайди.

Тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик сизларга ҳамиша ёр бўлсин. Халқимиз азалий қадриятларига мос бўлган меҳр-мурувват ва оқибат ҳеч биримизни тарк этмасин.

**Барчангизга Наврўзи олам муборак бўлсин, азизлар!**




**АТБ «Алоқабанк» жамоаси**

Бугунги кунда халқ оғзаки ижодининг энг ноёб дурдоналаридан бири бўлган фольклор санъатини янада ривожлантириш ва унутилиб бораётган миллий қадриятларимизни қайта тиклаш борасида кўплаб амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда Халқ ижодиёти ва маъданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият марказининг ҳиссаси каттадир.

## «ЎЛАН АЙТГАЛИ КЕЛДИК»

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўлан санъати қўшиқларини тиклаш мақсадида, анъанавий «Ўлан айтгали келдик» деб номланган фольклор санъати байрами бўлиб ўтди.

Очилиш маросимида Фольклор кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Ғофурбеков, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев ва бошқа меҳмонлар иштирок этишиб, ўлан айтиш санъатини ривожлантириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Фольклор санъати байрамида Жиззах вилоятидан «Зомин сайқали», Қашқадарёдан «Момогул» ва «Чироқчи чироқлари», Сурхондарёдан «Бойсун» халқ фольклор-этнографик жамоалари ўз дастурлари билан қатнашиб, томошабинларда катта таассурот қолдиришди.

**Маъмуржон МАҲМУД**

## ДЕБЮТАНТНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Спорт

Футбол бўйича Ўзбекистон XIII миллий чемпионати олий лига жамоалари учинчи тур баҳсларини якунлади. Ўтказилган учрашувлар голларга бой бўлди.

Ўтган турда Тошкентда «Локомотив»га ютқазган «Насаф» футболчилари бу сафар мағлубият аламини олдилар. Қаршиликлар ўз майдонида «Металлург» (Бекобод)ни йирик ҳисобда енгди — 7:0. Иккинчи турда пойтахтнинг «Трактор» клубини (6:2) доғда қолдирган «Сурхон» эса бу гал мухлисларини ранжитди. Наманганда «Навбаҳор» жамоасига қарши майдонга чиққан термизликлар ўз дарвозаларидан жавобсиз олтита тўп ўтказиб юборишди. Мазкур ўйинда мезбонлар ҳужумчиси Шуҳрат Мирхолдоршоев тўртта гол муаллифи бўлди.

Олдинги ўйинларда «Самарқанд —Д» ва «Насаф» футболчилари устидан ғалаба қозонган олий лига дебютанти «Локомотив»нинг ютуғини кўпчилик тасодифга йўйганди. Зарафшонда «Қизилқум» билан дуранг (0:0) ўйнаган темирйўлчилар бу йилги мавсумда шаштлари баланд эканликларини кўрсатишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд —Д» — «Андижон» — 3:0, «Бухоро» — «Пахтакор» — 0:3, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 0:2, «Трактор» — «Машъал» — 1:0.

Тўртинчи тур ўйинлари 20 ва 22 март кунлари бўлиб ўтади.

Болалар спорти



Болалар ўртасида АҚШда ўтган «Атланта — 2004» кубоги мусобақаларида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган 300 нафар ёш каратэчилар орасида Шоҳруҳ Сафаров, Ферузбек Тўраев, Асамжон Икромов, Рустамжон Рўзиев, Наргиза Тоштемирова, Аъзамжон Мирзаҳмедов биринчи ўринни эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз иккинчи ўринга сазовор бўлди.

**Суратда: олтин медал соҳиби Асамжон Икромов.**

**М. АМИН (ЎзА) олган сурат**

Интер-спорт

## ҒОЛИБГА 332 МИНГ ДОЛЛАР

Индиан-Уэлсда ўтказилаётган йирик халқаро теннис турнирида чорак финалчилар аниқланди. Россиялик Анастасия Мискина билан Светлана Кузнецова ҳам курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди. Анастасия нимчорак финалда юртдоши Мария Шараповани енган бўлса, Кузнецова америкалик Эми Фрейзерга имконият қолдирмади. 16 ёшли Мария Анастасия билан қизғин баҳсда имкониятларини ишга солишга ҳаракат қилди. Лекин тажриба ва маҳорат устун келиб, Мария 6:2, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Светлана билан Эми учрашуви 6:0, 6:3 ҳисобида якунланди. Энди чорак финалда Кузнецова Энен Арденн билан кортга тушади. Анастасия эса испаниялик Кончито Мартинес билан учрашади. Биринчи тоифадаги мусобақанинг мукофот жамғармаси 2,1 миллион доллар бўлиб, ғолибга 332 минг доллар берилиши кўзда тутилган.

## СИНОВГА ДОШ БЕРОЛМАДИ



Футболчилар учун мўлжалланган «Купер тести» америкалик Кен Купер томонидан ўйлаб топилган. Бундай синов мобайнида футболчи 12 дақиқа ичида энг тезкор ҳаракатлар қилиб, узоқ масофага югуриш, юриш, керак бўлса сузиш каби машқларни амалга ошириши керак. Афсуски, бундай синовларга ҳар қандай футболчи ҳам дош беролмаётган кўринади. Боиси, 29 февраль куни Киевнинг «Арсенал» клуби футболчиси, 17 ёшли Андрей Павицкийнинг ўлимига ана шундай «тест» сабаб, деган гумонлар бор. Маълум бўлишича, Андрей бундай машқни 3 марта бажарган. Қизиғи шундаки, у машқларни учинчи марта амалга ошириш чоғида ўзининг чарчаганлигини билдирган. Лекин қоидага кўра уни яна 12 минут машқ қилишга мажбур қилишган. Охир-оқибатда Андрей майдонда йиқилиб, оламдан ўтган. Андрей машқ вақтида ҳимоядан тезкор усулда ҳужумга ўтишда қийналиб қолган. Феодосия шаҳрида ўтказилган суд тиббий экспертиза хулосасига мувофиқ Андрейнинг юрак фаолиятида етишмовчилик бўлгани аниқланган. Бунинг устига 7 январь куни 23 ёшли грузин ҳужумчиси Шалва Апхазав ҳам Киевда ўтаётган учрашув чоғи майдонда йиқилган. Унинг ҳам юрак фаолиятида етишмовчилик бўлган экан.

Янги дарслик

## «СТАТИСТИКА»



Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан бир вақтда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, биринчи навбатда ўқув дастурларини халқаро андозаларга мос ҳолда такомиллаштиришни талаб қилади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тамойиллари ривожланаётган шароитда иқтисодий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш долзарб масала бўлиб, у барча фанлар ҳамда мазкур соҳа бўйича халқаро талаб ва андозаларга тўла жавоб берадиган мазмунли дарсликлар яратишни тақозо этади. Иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ниғмон Соатовнинг Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида нашр этилган «Статистика» дарслиги ҳам айнан шу мақсадни кўзлаб тайёрланган.

Профессор Ниғмон Соатовнинг мазкур соҳага оид аввал яратган «Суғорма далачилик статистикаси муаммолари», «Статистика асослари», «Статистика назарияси бўйича ўқув қўлланмалар» каби асрларидан фарқли ўлароқ ушбу дарсликда статистикага ягона фан сифатида қараліб, унинг умумий назарияси ва услубияти макроиқтисодий ва микроиқтисодий статистика муаммолари билан узвий боғланишда, изчил уйғунлаштирилган ҳолда баён этилган. Ҳар бир масалани ёритиш жараёнида кўргазмали услубдан кенг фойдаланилган, жумладан таркибий қисмларга бўлинган, схема-тархлар тузилган, атама ва тушунчанинг луғавий маъноси ҳамда илмий мазмуни ёритилган, таърифлар эса контексдан ажратиб берилган.

Китобда икки йўналишга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчи — «Тасвирий статистика» қисмида статистика предмети ва методи, статистик кузатиш услубияти, статистик кўрсаткичлар, ахборотларни жадвал ва графиклар ёрдамида тақдим этиш усуллари, иккинчи — «Аналитик статистика» қисмида эса таснифлаш ва гуруҳлаш, тақсимот қаторлари, ўртача миқдорлар ва ўртача тузилмавий кўрсаткичлар, вариация кўрсаткичлари, танланма кузатиш, корреляцион ва регриссион таҳлил, динамикани ўрганиш статистик усуллари, иқтисодий индекслар, иқтисодий баланслар ва миллий ҳисобчилик асослари батафсил баён этилган.

Бир сўз билан айтганда мазкур дарслик барча иқтисодиёт олий ўқув юртлари ва факультетлар талабалари ҳамда магистрлари учун статистика бўйича асосий қўлланма ҳисобланади.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**




## Ҳикматли сўзлар маъноси

### НУР ЁҒДИ — ДУР ЁҒДИ

Бу мақолни: «Қуёш чарақлаб, нур ёғдириб турса, экинлар баҳра олиб, дуркун ўсиб, мўл ҳосил беради», деган маънода айтадилар.

### НЎНОҚ МЕРГАН ОҚСОҚ ҚУЁН ИЗЛАР

Қўлидан дурустроқ бир иш келмайдиган, нўноқ, эпсиз, ношуд, бунинг устига дангаса одам чинакамига ҳаракат қилмай, ишнинг осонгина, ўнғайгина томонини кўзласа, унинг устидан истеҳзо билан кулиб, шундай дейдилар.

### НОМУС — ЎЛИМДАН ҚАТТИҚ

«Номус — ярим ўлим», «Номус — ўлимдан ёмон», «Номус — балодир, ўтга-сувга солодир», «Номуссиз яшагандан, номусли ўлган яхши», «Ёмон от билан тирилгандан, яхши от билан ўлган яхши», «Жиғилдонни ошдан сақла, виждонни — бошдан», «Номусни ёшликдан сақла», «Кийимни янгилигидан сақлаб, обрўни — ёшликдан».


RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН ВА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

2004 йил 22,29 апрель кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

*1. Тошкент шаҳри, Бектемир туманида жойлашган «19-сонли қурилиш корхоналари бирлашган дирекцияси»га тегишли мулкий мажмуа сифатида сотиладиган мол-мулкларнинг бир қисми (бостирма (навес), автогараж, ўтиш жойи (проходная), асфальтланган майдонча, тўсиқ (ограждение)).*

**Бошланғич баҳоси — 14000,0 минг сўм.**

*2. Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳрида жойлашган 11-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (11-АЁҚШ).*

**Бошланғич баҳоси — 15643,0 АҚШ доллари.**

Шунингдек, Давлат мулки қўмитаси томонидан республика Кўчмас мулк биржасининг душанба, чоршанба, жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилаётганини маълум қиламиз:

*1. Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибидаги «Янги нур» МЧЖ 25 фоиз давлат улуши.*

**Бошланғич баҳоси — 3990,20 минг сўм.**

*2. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳридаги 74-сонли АЁҚШ.*

**Бошланғич баҳоси — 23396 АҚШ доллари.**

*3. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги 63-сонли АЁҚШ.*

**Бошланғич баҳоси — 19057 АҚШ доллари.**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

*Имкониятингизни бой берманг!*

*Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.*

*Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.*

*Биржа савдоларида республика Кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари ушбу объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.*

*Ушбу объектларга қизиқиши бор сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржаси ва «Ким ошди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.*

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-, 8-хоналар.***

***Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.***

***Факс: 136-06-17***

***www. rkmb. expo. uz***

***Лицензия рақами: 000004***



## «ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

### очиқ акциядорлик жамияти Бошқаруви

**шуни маълум қиладики, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши қарорига мувофиқ жамиятнинг 2003 йил II ярим йиллик молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича дивидендлар номинал қийматига нисбатан 33,16 фоиз тўланади.**

**Акциядорлар 2004 йил 19 апрелдан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:**

***Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.***

***Мурожаат учун телефонлар: 144-96-52, 42-52-46***



## «ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ ВА КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***Тугатиш комиссияси «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси акциядорларининг 2004 йилнинг 12 мартида ўтказилган навбатдан ташқари йиғилишида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги 33-сонли «Кимё саноати бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясини жорий йилнинг 12 мартидан тугатиш бўйича қарор қабул қилинганлигини маълум қилади.***

***Тугатиш комиссияси «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясининг барча кредиторларидан, шу жумладан хорижий фирмалардан талаб ва даъволарни икки ой ичида қабул қилади.***

***Ушбу муддат ўтгандан кейинги берилган талаб ва даъволар тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинмайди.***



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***
**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**
**Г — 464**
**13418 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 23.00*
2 3 4 5 6
**SOTUVDA ERKIN NARXDA**